

БЕРДАҚ

САЙЛАНМА

ШЕЪРЛАР ВА
ДОСТОН

Ғафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978

Қорақалпоқчадан МИРТЕМИР
таржимаси

Бердақ.

Сайланма: Шеърлар ва дoston. Қорақалпоқчадан Миртемир таржимаси.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

168 б.

Машхур қорақалпоқ классик шоири Бердақнинг (1827—1900) сайланмаси шоир таваллудининг бир юз эллик йиллиги муносабати билан нашр этилмоқда. Сайланмага Миртемир таржимасида босилиб чиққан «Танланган асарлар» (1951), «Танланган шеърлар» (1968) китобларидан саралаб олинган, қайта ишланган шеърлар ҳамда шоир томонидан кейинги йилларда қилинган «Аҳмоқ пошшо» дostonига ўхшаш бир қанча янги таржималар ҳам киритилди.

Бердах. Избранное. Стүхи и поэма.

С(Қўрақ)

Б $\frac{70403 - 217}{352 (06) - 78}$ P — 78

© Гафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 (тарж.).

ИККИ ОҒИЗ СУЗ...

Туғилганига бир ярим аср бўлган ва бутун мамлакатда тўғи ўтаётган Бердақ (Бердимурод Қаргабой ўғли) қардош қорақалпоқ халқининг оти ўчмас улуғ шоири ва қорақалпоқ адабиёти пойдеворига гишт қўйган улкан сиймодир.

У камбағал деҳқон хонадонда дунёга келди ва халқ чеккан азобу уқубатларга гўдакликдан шерик бўлди. Қорақалпоқ халқи елкасидаги қашшоқлик, саргардонлик, ғариблик унга ёт эмас, ҳаммаси унинг ҳам елкасида: ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган ва ўз бошидан кечирган эди. Шунинг учун ҳам асарларида ўз тасвирини топмиш ўтган аср қаёғ манзаралари чидаб бўлмаслик даражада оғир, ҳар шеъри бир босириқ туш янглиғ аянч, «дод» деб юборгулик, «ҳу!» деб овлоққа чиқиб кетгулик даражада даҳшатли дунё, шу билан бирга ишонгулик.

Бердақ ижоди билан мен 1938 йилда Қорақалпоққа борганимда (у вақтлар Қорақалпоғистон маркази Тўрткўл шаҳри эди) танишган эдим. Ушанда ардоқли олим ва улкан қаламкашлардан Асан оға билан Нажим оға менга Ажиниёз ва Бердақ асарларидан ёдаки ўқиб ва «Бўзатов» қўшиғини айтиб, ҳайрон эдилар. Кейин мен шеърларнинг ёзма нусхалари билан танишдим.

Мен Ажиниёздан ва Бердақдан таржима қилиб матбуотда эълон этганим ёдимда. Кейин «Қирқиз» билан танишдик. Шу бўлди-ю, ҳозирги замон шоирлари Аббос оға, Жўлмирза, Наврўз оға, Хўжабек, бора-бора Тиломурод, Иброҳим ижодлари билан таниш-

дим ва улар ижодидан таржималар қилдим. Ана шу ижодий боғланиш қалин дўстликка айланиб кетди. Мен Қорақалпоққа тез-тез борадиган бўлдим. Ҳар борганда бирор шоир ижоди билан халқимни таништирдим.

«Қорақалпоқ дафтари» ҳам шу йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келди ва бу қорақалпоқ халқига сидқидил қардошлик ифодаси бўлди десам ёлгон эмас.

Қорақалпоқнинг ўтмиш шоирлари ва замондош шоирлари билан қалин дўстлашиб кетдим. Уларга кези келганда маслаҳатчи бўлдим. Дўстларим Тошкентга тушганларида ҳамиша менинг ҳовлимга келиб кетишадиган бўлди.

Мен ҳам улардан талай маслаҳат олганман ва баҳраманд бўлганман. «Ойсанамнинг тўйида» достонининг ёзилишига Асан оға сабабчи бўлди. Шу мунглик воқеани ўша табаррук одам йиғлаб-йиғлаб айтиб бергани ёдимда.

Мени Бердақ ижодига етаклаб олиб борган йўл шундоқ.

МИРТЕМИР
1978 йил, январь.



БЎЛГАН ЭМАС

Бу дунё — дунё бўлгали,
Подшоҳ одил бўлган эмас.
Шоирлар қалам олгали,¹
Хатга тўғри солган эмас.

Инақу бекнинг болалари
Ҳар нега етди қўллари,
Қинғир бўлса-да йўллари
Ҳеч вақт ҳориб толган эмас.

Қорақалпоқ халқ бўлгандан,
Бир халқ атоғин олгандан,
Ҳақ таоло йўл солгандан
Сира тенглик олган эмас.

Қорақалпоқ халқи бўлиб,
Қўшни ўтирган эл кулиб,
Қанчалари йўлда ўлиб,
Юз йил қўним бўлган эмас.

¹ Бу сатрда шоир Бердақ ўзидан аввалги кўп шоирларнинг подшоҳларга қасидалар, мадҳиялар ёзиш билан овора бўлганликларига киноя қилади.

Бўлган қорақалпоқ бўлди,
Қирилса-да урпоқ бўлди,
Бердимурод¹ Бердақ бўлди,
Доғин ҳеч ким билган эмас.

Бизнинг халқнинг бийлари,
Создир жаҳонда уйлари,
Доим таралла куйлари,
Тўғри жавоб айтган эмас.

Кўнглига қайғу тўлдириб,
Етимлар гулин сўлдириб,
Ўзларин бахтга тўлдириб,
Ҳеч вақт ноумид қолган эмас.

Бўлмади мақсад-ниятим,
Хўр² бўлди халққа қимматим,
Йиглай-йиглай барча етим,
Кулар чоғи бўлган эмас.

Қанчаларнинг вақти хуш-ди,
Золимлар мавж уриб, жўшди,
Қанот боғлаб кўкка учди,
Уни оллом билган эмас.

Қўлда борин тортиб олди,
Бало-қазо ортиб олди,
Оласини ортиқ олди,
Берасини берган эмас.

¹ Бердимурод — Бердақнинг асл исми,

² Хўр — кўп маъносида.

Бировлар жуда зўр бўлди,
Бировлар жуда хор бўлди,
Лочинга қурган тўр бўлди,
Тўрни ҳеч ким узган эмас.

Нафсин ўрадай очгани,
Обрўйининг ҳам қочгани,
Ҳеч маҳал чўчқа чўчқани
Ханжар тишда ёрган эмас.

Қанчалар оч, қанчалар тўқ,
Тўқ одамнинг қайғуси йўқ,
Оч шўрликнинг уйқуси йўқ,
Буни тўқлар билган эмас.

Кўкни қора булут босиб,
Ғафлатда бандалар шошиб,
Ғарибларнинг кўнгли тошиб,
Ҳеч вақт қувнаб юрган эмас.

Эшонларда мурувват йўқ,
Оғабийда адолат йўқ,
Бойда хайру саҳоват йўқ,
Бир инсофга келган эмас.

Бу замон баттардан баттар,
Ҳар кимга бош ғами етар,
Қора туман қачон кетар?
Чироқ ярқ-ярқ ёнган эмас.

Дўстга, дўстлар, зиён этманг,
Вафосизни ёрон этманг,
Ҳаргиз йўлдан огиб кетманг,
Йўлдан тойган унган эмас.

Бердимурод менинг ўзим,
Герев тортди¹ икки кўзим,
Таҳқиқ шажарадир сўзим,
Қадрим бироқ бўлган эмас.

Гул бўлдим, яшнолмадим,
Оқил бўлдим, ўйлолмадим,
Вулбул бўлдим, сайролмадим,
Ҳодиса оз бўлган эмас.

Қарағаймас сўгут бўлдим,
Қари эмас, йигит бўлдим,
Тоғдан ўтган бургут бўлдим,
Қўнар ерим бўлган эмас.

Узун эмас, ирғай бўлдим,
Ҳар муқомга ширғай бўлдим,
Дон йўқ ерда тўрғай бўлдим,
Буни биров билган эмас.

Сибизги бўлдим, соз бўлдим,
Уним чиқмади, оз бўлдим,
Тўпидан қолган ғоз бўлдим,
Қўнар кўлим бўлган эмас.

¹ Герев тортди — кўз ўнгим қоронғилашди.

Қурғоқ кунда ёғин бўлдим,
Довул бўлдим, чақин бўлдим,
Чўлда битган қовун бўлдим,
Чўчқасиз кун бўлган эмас.

Ёзолмай ҳеч палагимни,
Узиб-ёриб хамагимни,
Чўчқа янчиб тугунагимни,
Урқаним¹ ёйдирган эмас.

Шундоқ бўлса-да юмри бош,
Ёрилмади бу қора тош,
Кўзимдан оқса қонли ёш,
Уни биров артган эмас.

Зое ўтказдим умримни,
Кўп тиладим журмимни,
Бошимдан ўтган кунимни
Бирон одам билган эмас.

Топганда улуг қўнишни,
Бошлаб тириклик-юмушни,
Ҳам мақтаб Кулен бўлисни²
Оганг сарпо олган эмас.

Ота-бобом йиғишиб мол,
Чивин жонга бўлиб завол,

¹ У р қ а н — хирмон.

² Қ у л е н б ў л и с — Толлиқ уездининг ҳо-
кими.

Чақчақлашиб, бўлиб хушҳол,
Очликдан ёлчиган эмас.

Бағритош бағир хонамда,
Ғамхўрим менинг панамда,
Туққан у ғариб онам-да
Қалин моли бўлган эмас.

(Бурунгилар кўрган экан,
Кўриб эсда қолган экан,
Отам уруг¹ берган экан,
Бу айтгани ёлғон эмас).

Оға беклар, сиртим бутун,
Ичим ёниб бўлди тутун,
Солимлар зулмидан дилхун,
Ҳеч бир раҳм қилган эмас.

Гавдам бутун, кўнглим қуроқ,
Умрим қисқа, йўлим йироқ,
Остимда хачирим бироқ
Отликка етолган эмас.

Бу дунёга келган одам,
Ҳасрат чекиб юрган одам,
Даврон отни сурган одам,
У ҳам тулга бўлган эмас.

¹ Айтишларича ўта камбағал бўлган Бердақнинг отаси уйланганда ҳеч вақоси бўлмаганлиги учун қалин ўрнига қовун уруги берган экан.

Дунёга келдим не кўрдим,
Қайғу, ҳасратларда юрдим,
Адо бўлмас дилда дардим,
Ҳеч ким кўзин солган эмас.

Бердимурод — менинг ўзим,
Кунхўжани¹ кўрди кўзим,
Ҳожиниёз²га етган сўзим,
Улар ҳам шод бўлган эмас.

^{1,2} К у н х ў ж а, Ҳ о ж и н и ё з — қорақалпоқ
классик шоирлари.

Б У Л Б У Л

Чангалга қўнган булбулнинг
Чумчуқча ҳам шони бўлмас.
Севгисида қизил гулнинг
Сайрашга дармони бўлмас.

Пари тушиб қиёғидан,
Савлат кетиб сиёғидан,
Тикан ботиб оёғидан,
Қонатганда қони бўлмас.

Илон пойлаб жилга-сойдин,
Жилиб келса ану жойдин,
Чўл булбули билсин қайдин,
Чақса, эм-давоси бўлмас.

Нагма топса, ирғоқ топмай,
Балқиб сайрар чорбоқ топмай,
Тинглагувчи қулоқ топмай,
Сайрашнинг маъноси бўлмас.

Қағиллаб тўп қора қарга,
Емтик кўзлаб, қўнар жарга,
Ерқанот зор доим парга,
Бойўғлидай ночор бўлмас.

Борнинг иши фақат фармон,
Йўқнинг иши донм армон,
Бўлган билан зору гирён,
Кўнгилнинг хумори бўлмас.

Тўлқинни тойдай тувлатиб,¹
Довул келса, қуюн отиб;
Вута панасида ётиб,
Чақмоқ чақса, жон ҳам қолмас.

Тарк айлаб фоний дунёни,
Йўлга чиқса дўст-ёронинг,
Йиқилиб кўшқу айвонинг,
Болда ҳам тоту там қолмас.

Егим бўта тинмай бўзлар,
Саргардон онасин излар,
Товшон-кийик тоғин кўзлар,
Оташ елсиз ёзи бўлмас.

Кунлар ўтар армон билан,
Юким кетар қарвон билан,
Оти булбул бўлган билан
Тўрғайчалик сози бўлмас.

Султон бўлма ёт элинда,
Чўпон бўлгин ўз чўлингда,
Чағалай ҳам ўз кўлинда
Учмаса даврони бўлмас.

¹ Т у в л а т и ш — сакратиш, сапчитиш, ўйнатиш.

Оқшом юлдуз оқиб ўтар,
Юрак-бағрим ёқиб ўтар,
Ғамсиз куним чалқиб ўтар,
Дардимнинг дармони бўлмас.

Бердимурод ҳақнинг қули,
Саҳронинг сариқ булбули,
Беш кун меҳмон одам ўгли,
Наҳотки армони бўлмас.

И Л Т И Ж О

Барчани яратган қодир худойим,
Берсанг, бу дунёда ҳақлик йўлини бер.
Эгри юрсам ортар менинг гунойим,
Оқ қалбимга тўғрилиқнинг нурини бер.

Фалак гардишидан этсам шикоят,
Тинглар бўлсанг ҳасратли бир ҳикоят.
Жабру жафо шунчалар бешиқоят,
Адолатли ҳукминг беру — зўрин бер.

Азал амри билан дунёга келдим,
Умримда не яхши-ёмонни билдим,
Қайғу-аламларда бағримни тилдим,
Бу қайғудан менга нажот ўрини бер.

Давлат бергин, токи беғам яшайин,
Насибаю ризқда мўлроқ тошайин,
Армонсиз ўйнайин, севиб қучайин,
Менга дунё жаннатининг ҳурини бер.

Зумда ўтар мағриб-машриқ орасин
Буроқ¹ бер, кумимга токи ярасин,

¹ Б у р о қ — афсонавий учар от.

Жаҳон менга ҳавас ила қарасин,
Ҳазрати Юсуфнинг ҳусну кўркин бер.

Устидан йўл берсин не денгиз, дарё,
Мени этолмасин замонлар адо;
Минг йилдан сўнг қандай бўлади дунё?
Бир кўрайин, менга Луқмон умрин бер.

Вўстон бер, гулларнинг атри анқисин,
Ораласин, эл сайр этиб, чалқисин,
Сўм темир қўлимда мумдек балқисин,
Темирчи ҳазрати Довуд сеҳрин бер.

Дунёда тилсимлар сирич очмоққа,
Қанот боғлаб, ердан кўкка учмоққа,
Душманни ўз зиндониде янчмоққа,
Еру кўкда то Сулаймон амрин бер.

Жаҳон хазинасин олсам қўлимга,
Сарф айламоқ учун халқим йўлига,
Бердимурод каби ҳақнинг қулига
Тангрим, саховатли она меҳрин бер.

Туркистон, Хоразм масканим-элим,
Беш қалъа, денгизнинг атрофи йўлим,
Айшу ишрат орзу айлар зор кўнглим,
Менга ҳам давлатли инсон умрин бер.

Бердақ дер: сўзимни айтиб кетайин,
Бахт бўлмаса, хўр умрини нетайин,
Бўлмаса дунёни хароб этайин,
Қани менга Исрофилнинг суриин бер.

БУ ЗАМОН

Чаққон одим ташлаб, меҳнат этмасанг,
Кун кўриш қийинроқ бўлди бу замон.
Ўйлаб-ўйлаб мақсадингга етмасанг,
Кун кўриш қийинроқ бўлди бу замон.

Азаматлар, дадил-дадил довон ош,
Дадиляроқ бўлмасанг, кўздан оқар ёш,
Бўлмайдин десанглар қайғуга йўлдош,
Кун кўриш қийинроқ бўлди бу замон.

Йўлда ёвлар чуқур қазиб ётишар,
Язидларнинг йўлини қаттиқ тутишар,
Ўзи тегмаганга кесак отишар,
Омонлик кўп зарур бўлди бу замон.

Ситамгарлик этса бешафқат, баттол,
Баланд бўлур қўлинг, бирлашсанг дарҳол,
Сабқ юрсанг, кимга ахир бу увол,
Аросат бир ғамга тўлди бу замон.

Кўллар жудо бўлди ўрдак, сўнадан,
Эрлар жудо бўлди хотин-боладан,
Ўрил-қиз ҳам жудо ота-онадан,
Ишинг ёлғиз қайғирмоқлик бу замон.

Кўнглим исён излар қайғу дард билан,
Қайғинг тарқар юртда ботир, мард билан,
Йўлдош бўлма ўзинг билмас гурт¹ билан,
Ҳолинг қийин, солгудай дод бу замон,

Жоҳиллардан олма ҳеч вақт омонат,
Охирида қилгай сенга хиёнат,
Сон-саноқсиз бўлаётир аломат,
Биров ғамгин, бировлар шод бу замон.

Бойлоқлидир оёқларинг, қўлларинг,
Бердимурод оғир сенинг қолларинг,
Очилай демайди юрган йўлларинг,
Армон билан кетар бўлдик бу замон.

Бердимурод, кўп ўйланиб, бўлма лол,
Улуғлардан ўлгунигча ўғит ол,
Эй ёш, авлод, сўзларимга қулоқ сол,
Армон билан ўтар бўлдик бу замон.

Жонимга жабр этар золимлар сонсиз,
Юзида нури йўқ нуқул имонсиз,
Мўмин қул термилар бир бурда нонсиз,
Йўқчилик жабридан сўлдик бу замон.

Дунё деб ғам чексанг асло фойда йўқ,
Шодланармиз, деган умид ўйда йўқ,

¹ Г у р т — гуруҳ.

Ғарибларга ҳайт-маърака, тўй-да йўқ,
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Йилдан-йилга замон ҳам терс айланур,
Йўл тополмай не оқиллар ўйланур,
Не-не чечан тиллар бир-бир бойланур,
Қоронғи қоплаган қайғу бу замон.

Қиз-жувонлар тенги билан юралмас,
Кулиб-айраб, ёшлик даврин суралмас,
Шариат деб уларга йўл берилмас,
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Мен ўлмасман, ўлсам сўзим қолгуси,
Ғариб халқим мудом ёдга олгуси,
Золимларнинг бошига кун солгуси,
Тундан кейин, кукдуз келар ҳар замон.

Бош омонлик учун қилган тавбангиз,
Бир бош эмас магар қўшни-убангиз,
Кафан топиб ўлса ота-бобонгиз,
Шукр айтмоқ тўғри бўлар ҳар замон.

Бой бўлсанг, молнинг қўй, ўзинг армонсиз,
Қашшоқ бўлсанг ишинг доим фармонсиз,
Қандоқ қилсин оч-ориқлар дармонсиз,
Қайғу, ҳасрат ошиб-тошди бу замон,

Мен ўзим-ўзимга фармон этаман,
Қўшиқ айтиб, дардга дармон этаман,

Кетай, тилим боғлиқ, армон этаман,
Не кўрдим, дард ҳаддан ошди бу замон.

Осилик этмайин, тавба қилайин,
Эй оғалар, ёлғон айтиб найлайин,
Улсам сўзим қолар, айтиб ўлайин,
Бир ёйилиб, айтиб кетай бу замон.

Қодирмат шогирдим, мен Бердимурод,
Иккимиз майдонда бўлдик мулоқот,
Унда кўк чўғир бор, менда қора от,
Бир ёйилиб, айтиб кетай бу замон!

Шоир Бердимурод, оллонинг қули,
Саҳрода сайраган сариқ булбули,
Бу қўшиқни айтдим мен тўнғиз йили,
Айтганимни аён этай бу замон.

И З Л А Ш

Юракда тошқин дардим бор,
Ҳали қайтмаган шахдим бор,
На саводим, на хатим бор,
Бўлса, расо сўйлар эдим.

Кўнглим тўлиб, тошиб кетди,
Бахтим гўё ошиб кетди,
Ақлим дарров шошиб кетди,
Дўст топилса, куйлар эдим.

Сўраб кўрай ёронлардан,
Тенгдошу дўст, жононлардан,
Бўлса, дарддош инсонлардан,
То ўлгунча излар эдим.

Билган одам, қани, келса,
Менинг бу дардимни билса,
Айтиб берай иним, деса,
То ўлгунча излар эдим.

Бедов миниб чопар алвон,
Курашда билинар полвон,
Суришга умрбод даврон,
То ўлгунча излар эдим.

Халққа нолиш этайин мен,
Елгон айтиб нетайин мен,
Эл оқтариб кетайин мен,
Етиб не ҳам кўзлар эдим.

Иўқолмишдир менинг оғам,
Йиртилмаса агар ёқам,
Оққан билим-булоқ соқам,¹
Топилгунча излар эдим.

Изласа туғишган иним,
Туман босган ой ҳам куним,
Чиқаргали озод уним,
То ўлгунча излар эдим.

Излар эдим мен отамни,
Кечиринг, бўлса хатомни,
Жигарбандимни, бўтамни
То ўлгунча излар эдим.

Отам эмас, қариндошим,
Савдоларга тушди бошим,
Мард йигит бўлгай йўлдошим,
Жигаримни излар эдим.

Сизлардай мен ҳам одамман,
Найлайн, кўзсиз қолганман,

¹ Соқам — сув боши, булоқ боши.

Шу сабаб куйиб-ёнганман,
Жигаримни излар эдим.

Агар топсам у шерларни,
Гулистон этиб ерларни,
Оламга ёйиб сирларни,
Тагин маъно излар эдим.

Огабеклар, бўлманг хафа,
Суриг беш кун шавқу сафо,
Чеккан бўлсанг жабру жафо,
Меҳру вафо излар эдим.

Ўйланиб, топгил йўлингни,
Чўзма ҳавога қўлингни,
Ақтариб ўнгу сўлингни
То топгунча излар эдим.

Чидам билан боғлаб белни,
Излаб қўнғрот, хитой элини,
Кечиб дарё, денгиз, кўлни,
То топгунча излар эдим.

Кўлдан кесиб олай қамиш,
Кўнглим тўла хўрлик, нолиш,
Алпларнинг алпи Алпомиш,
Гар тирилса, излар эдим.

Чор китобдан нари қочдим,
Навоийдан савод очдим,
Фузулийдан дурлар сочдим,
Гар тирилса, излар эдим.

Махтумқулини ўқиганда,
Айтар эдим ҳар замонда,
Нуқсон борми, беклар, анда,
Сўзин дилда сақлар эдим,

Топсам дўстим-дарддошимни,
Савдога солмай бошимни,
Заҳарга қотмай ошимни,
Ҳақиқатни билар эдим.

Қора тоғ қарши келса ҳам,
Аждари одам еса ҳам,
Одам фарқин билса одам,
Чироқ ёқиб, излар эдим.

Қулоқ бер менинг сўзимга,
Кўз сол, саргайган юзимга,
Мадад берса ҳақ ўзимга,
Чироқ ёқиб, излар эдим.

Мен ўзим бекор эмасман,
Олидан қайғи емасман,
Аслида ёлгон демасман,
Бахт бўлса гар излар эдим.

Яхши деса Ҳиндистонни,
Е тоғ юрти — Доғистонни.
Не қилай бу зимистонни,
Бахт бўлса гар излар эдим.

Бошим қолипти балога,
Қаён борайин давога,
Е борайми Бухорога,
Бахт бўлса гар излар эдим.

Халқим учун тўкиб кучни,
Олгали золимдан ўчни,
Оралаб кўрсам Урганчни,
Ёронларни топар эдим!

Кезсам дунё, кезсам жаҳон,
Пасаярми оҳу фиғон,
Маъни тузсам гўё маржон,
Ёронларни топар эдим.

Йўлдош топиб йўлга чиқсам,
Яхшилар сўзини уқсам,
Евузларни гўрга тиқсам,
Ёронларни топар эдим.

Хаёл чопар олга қараб,
Хаёл қургил ҳолга қараб,

Уйдан чиқил йўлга қараб,
Йўлни топсам излар эдим.

Бердимурод, ила! Ила!
Яхши йўлни тездан кўзла,
Кўп ичида яхши сўзла!
Йўлни топсам излар эдим.

Топсам асл сўз жўясин,
Юзимга суртиб куясин,
Қирқардим ёв nasibасин,
Йўлни топсам излар эдим.

Йўғимдан топмадим дарак,
Тиширчилар дардли юрак,
Мен шўрликка даврон керак,
Йўлни топсам излар эдим.

Қандай қилиб дўст топасан,
Қай томон қараб чопасан,
Бухоро боралмай хафасан,
Шўрлик Бердақ кўлигинг¹ йўқ

Мағрибга қандай етарсан,
Чўллардан қандай ўтарсан,
Олис йўл кўзлаб нетарсан,
Шўрлик Бердақ кўлигинг йўқ.

¹ К ў л и г — улов.

Уйлангил олди-ортингни,
Қайтарма асло шахдингни,
Йўлдош қил ёнга мардингни,
Йўлга тушгил Бердимурод.

Замон қандай замон бўлди,
Чинор бошин чўртон чолди,¹
Қанчалардан кўнглим қолди,
Йўлга тушгил, Бердимурод!

¹ Бу сатрда шоир қиёмат қойимга, буюк тўфонга ишора қилапти, яъни дунё хароб бўлди демоқчи.

СОЛИҚ

Қандай-қандай бұлди замон,
Бултургидан баттар ёмон,
Ғариб-ғасар қолмай омон,
Ун тилладан келди солиқ.

Буни солди Нурымбет жон,
Вуюрди, деб оталиқ, хон,
Халқ бұлсин, деб, хонавайрон,
Ун тилладан келди солиқ.

Менга не гам, зшагим бор,
Сотиб бераман бир бозор,
Аттанг, шўрли—оч Эрназар,
Унга қийин бұлди солиқ.

Фақирнинг ҳеч нарсаси йўқ,
Кошки қорни бұлсайди тўқ,
Атиги бир товуғи йўқ,
Унга қийин бұлди солиқ.

Жўжабирдек боласи бор,
Йиғлашади нон деб зор-зор,
Қозони қайнамас, ночор,
Жуда қийин бұлди солиқ.

Муҳр тутган Баҳовиддин,
Визда йўқ ҳатто қора тийин,
Нуқул очга бўлди қийин,
Жуда оғир келди солиқ.

Анов ётган Палим лаққи,
Халойиқда борми ҳаққи?
Верар эдим унга дакки,
Дармонимни олди солиқ.

Анови юрган Элмурот,
Тагида ёмон ола от,
Унга бунчалик салтанат,
Киши қони бўлди солиқ.

Миягбоши ҳам мўйлаб товлаб,
Одамларни овлаб-овлаб,
Оч халқни доим ёвлаб,¹
Мадорини чалди солиқ.

У ўтирган Қўлимбет бой,
Тайёр олдида оппоқ мой,
Оч халқ юрар тополмай жой,
Туҳмат тўлов бўлди солиқ.

Ундиради у оч халқдан,
Етим йиғлар харобликдан,
Бой омон қолди солиқдан,
Туҳмат тўлов бўлди солиқ.

¹ Е в л а б — ёвдай кўриб, дегани.

Анов мачит, эмас йироқ,
Меҳробида ёнар чироқ,
Қуръон очиб, олар сўроқ,
Эшонларга йўқдир солиқ.

Оқ чамбарли улкан ўтов,
Ўз олдига бўлиб атов¹
Эрмонохун турар анов,
Боёнларга йўқдир солиқ.

Анов юрган Пирим чўлоқ,
Ўлгундай зикна ва ялоқ:
Солиқ деса, тайёр шу чоқ,
Бизга ёмон бўлди солиқ.

Қолганим йўқ тўғри сўздан,
Еш тўхтамас асло кўздан,
Сўрасангиз буни биздан,
Кўп беомон бўлди солиқ.

¹ А т о в — орол маъносида.

ХАЛҚ УЧУН

Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,
Танбал бўлмай хизмат этгил халқ учун,
Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,
Ўзни демай, гамхўрлик қил халқ учун.

Бердимурод ўйлаб айтгил, сўзингни,
Кўтарма, лоф уриб, фақат ўзингни,
Қизартмагай биров сенинг юзингни,
Қўлдан келса, хизмат айла халқ учун.

Етарсан муродга, гар хизмат этсанг,
Элинг йўллаганда ҳар қаён кетсанг,
Ҳар қачон душманинг бошига етсанг,
Олқиш олиб хизмат айла халқ учун.

Йигит киши одам дилин эритар,
Айтган сўзин болдан ширинроқ айтар,
Бир айтган сўзидан қайтмасдан кетар,
Айнимасдан хизмат этар халқ учун.

Золимлар тингламас фақирнинг зорин,
Улар ўйлар ўз фойдасин, ўз корин,
Ҳеч қачон золимлар қўлдаги борин —
Эл кўрмаслар бор бўлса-да, халқ учун

Йигит кирмас фосиқларнинг сўзига,
Асло тушмас манманликнинг изига,
Ғайрат бериб ўлгунича ўзига,
Хизмат этар мудом қондош халқ учун...

Мард йигитни агар севса элати,
Кундан-кунга ортар унинг қуввати,
Ортида қолади йигит шуҳрати,
Шунинг учун хизмат этар халқ учун.

Бу замонда жабру жафо чекарман,
Қора кўздан қонли ёшлар тўкарман.
Золимларнинг зулмин кўриб сўкарман,
Куйганликдан жон қийналур халқ учун.

Бўлмади ҳеч ерда манзил-маконим,
Заҳру заққум бўлди ичган-еганим,
Айтсам-да, бўлмади меннинг деганим,
Куйгандан жон қийналур халқ учун.

Бердимурод ҳақиқатни изладинг,
Мудом элга тўғри йўлни кўзладинг,
Ёвузлардан қўрқмай, ҳақни сўзладинг,
Жон-танингни бердинг доим халқ учун...

Бердимурод, уйлаб сўзингни кўргил,
Юрган сўқмоқлардан изингни кўргил,
Қайгу чекмай ғарибларга қўл бергил,
Шунда ишинг бўлур фақир халқ учун.

Кўп йиглама, ўз бағрингни доғлама,
Созни чертиб, элдан ўзга чоғлама,
Душмандан хавф этиб, йўлинг боғлама,
Умр бўйи хизмат айла халқ учун...

Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,
Кўнглимнинг билганин, сезганин ёздим
Замон жафосидан саргайдим, оздим,
Келурми, деб, яхши кунлар халқ учун.

Отим Бердимурод, мен халқнинг ўгли,
Саҳрода сайровчи сайроқ булбузи,
Ун гулидан очилмади бир гули,
Муродига етолмади халқ учун!

ДЕНГИЗ БАЛИҒИН БЕРМАДИ

Қармоқ ташловдим денгизга,
Денгиз балиғин бермади.
Олло назар солсин бизга,
Кўз ёшим нега кўрмади?

Хитой, Қўнғирот билар бўлди,
Авлиёга тунар бўлди,
Дўст йиглаб, ёв кулар бўлди,
Денгиз балиғин бермади.

Мен боргандим солга тушиб,
Сол эмас, не ҳолга тушиб,
Алифдай эдим, дол тушиб,
Денгиз балиғин бермади.

Қандай бўлди бу зор замон,
Элнинг бошида сур туман
Худойим бергай-да омон,
Денгиз балиғин бермади.

Қандай бўларкан ҳолимиз,
Йўқ-да, егулик молимиз,
Очиларми иқболимиз,
Денгиз балиғин бермади.

Қаҳри тошиб, довул турди,
Ардар-тўнтар тўлқин урди,
Бир аломат замон бўлди,
Денгиз балиғин бермади.

Эй, оғалар, иқбол қўнгай,
Ҳақ нурига меҳрим қонгай,
Душманнинг уйлари ёнгай,
Замон керагим бермади.

Бойда саховат бўлмади,
Эшонда шафоат қолмади,
Сўлмади, гули сўлмади,
Тангри тилагим бермади.

Кетмади кўнгилнинг доғи,
Кўприк сийди ўтар чоғи,
Ғариблар кўкармай боғи,
Денгиз балиғин бермади.

Бердимурод менинг ўзим,
Ёлгон эмас айтган сўзим,
Не аломат кўрди кўзим,
Тан-жон соғлигин бермади.

ЕЗ КЕЛУРМИ...

Довул турди, тумон юрди,
Фуқарога ёз келурми?
Ҳовлимнинг қамишин сурди,
Фуқарога ёз келурми?

Жонни олар қорасовуқ,
Ёз келмасдай бўлди ёвуқ,
Умр бўйи шундай хўрлик,
Фуқарога ёз келурми?

Евфоним йўқ, нчай десам,
Кўлигим йўқ кўчай десам,
Тўшагим йўқ, тўшай, десам,
Шўрли элга ёз келурми?

Юрган ерим тоғ, тақир чўл,
Боғлиқ оёқ, боғлиқдир қўл,
Қачон бизга очилар йўл,
Шўрли элга ёз келурми?

Эл қолмасми ўлиб-ўлиб,
Мен йиғлайман кўнглим тўлиб,
Денгизлар қаттиқ муз бўлиб,
Бизга ахир ёз келурми?

Денгиз суви аччиқ ва туз,
Қўш чиқмайин иш бўлди муз,
Баҳор ўтмай босарми куз,
Бизга ахир ёз келурми?

Олдимизда тақир саҳро,
Орқамизда теран дарё,
Қорасовуқ бўлди бало,
Бизга ахир ёз келурми?

Жалойир кўприкнинг бўйи,
Тўхтамайди довул тўйи,
Шўрлик юртнинг ёлғиз ўйи:
Қишлар ўтиб, ёз келурми?

Булут босди денгиз, кўлни,
Кўриб бўлмас ўнгу сўлни,
Эл кўчишга топмас йўлни,
Қишлар ўтиб ёз келурми?

Очликдан қурийди томоқ,
Овқатимиз қара бароқ,
Эл дилида битта сўроқ:
Фуқарога ёз келурми?

Овулда мол ҳам қолмади,
Совуқ қўймайин ёлмади,
Қиш не балолар солмади!
Фуқарога ёз келурми?

Оёқ боссам муз ва тойгоқ,
Қулаш осон, юргил ойгоқ,
Яқин манзил бўлди авлоқ,
Биз шўрлига ёз келурми?

Чўзилай десам уйим йўқ,
Эгнимда илиқ кийим йўқ,
Тўқлардан бизга буюм йўқ,
Биз шўрлига ёз келурми?

Ҳақ қайда, ҳақиқат қайда,
●Шундай азоб ҳамма жойда,
Қуруқ сўздан борми фойда?
Яшнаб, яйраб ёз келурми?

Қаранглар асл зотимга,
Додимга, аҳволотимга,
Юпун, гадо элатимга
Яшнаб, яйраб ёз келурми?

Я Х Ш И Р О Қ

Оқ бугдойи туриб сули сепгандан,
Тоза шоли туриб курмак эккандан,
Бекор қирқ кун қайғи-алам чеккандан,
Таң соғлиқда шодмон фурсат яхшироқ.

Дунёга келибсан, бахтинг очилса,
Душманларинг оёғингга бош урса,
Қўлни қовуштириб, ҳурматинг қилса,
Кўз олайтиргандан иззат яхшироқ.

Ишни ишла, турилгансан эл учун,
Жонингни аяма, одил эр учун,
Киндик қони томган азиз ер учун
Улиб кетганингча хизмат яхшироқ.

Ҳеч вақтда дўстинг бўлмасин ҳайрон,
Қўлдан келса қилинг душманни вайрон,
Халойиқ бир бўлиб бошлангиз туғён,
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.

Бошқа бировларни этиб қурдошинг,
Оқизиб юрма ўз ёринг кўз ёшин,
Емон бўлса ҳам у умр йўлдошинг,
Вақтинча қўл берган ёрдан яхшироқ.

Одам боласига зийнат номус-ор,
Юздан кам бўлмасин таниш, дўсту ёр,
Агар томирингни қийса бир ғадор,
Шу вақт малҳам қўймоқ — ордан яхшироқ.

Эр йигитга номус билан ор керак,
Оқ кўнгил, қаламқош, севар ёр керак,
Меҳмоннинг йўлида китизор керак,
Улоқ сўйса ҳамки молдан яхшироқ.

Хуш келдинг, деб кутиб олинса қўноқ —
Ўтирган уйида қилмасин синоқ,
Агар қўли дўстлар, бўлса-да чўлоқ.
Ҳунарсиз, билимсиз қўлдан яхшироқ.

Хевахон қасд этиб, юрт босиб олди,
Молсиз аҳолига кўп солиқ солди.
Соядор, мевадор, йўғон бир оргит,¹
Сони юз, сафосиз толдан яхшироқ.

Туриб-ла эртадан далага чиқиб,
Қўлингни қавартиб, белингни букиб,
Терингни оқизиб, меҳнатин чекиб,
Еган бир зогоранг болдан яхшироқ.

Теран ақл керак сўзин тизмоққа
Тиниқ хаёл керак барин сезмоққа,

¹ О р г и т — мева дарахти.

Сув устида яхши юриб кезмоққа
Бир қайиқ олти юз солдан яхшироқ.

Аввал қилган ваъдасида турмаган,
Меҳнаткашга ёруғлик эп кўрмаган,
Нуқул ёлгон сўзлаб, ҳануз ўлмаган
Нурмуроддан¹ балки ҳайвон яхшироқ.

Бу сўзимни эшит Нурмурод¹ охун,
Саллангда кўп эрур ўрам ва тугун,
Меҳнаткашни алдаб кўп ейсан ҳақин,
Сендан кўра ола қарға яхшироқ.

Уримбет, Нуримбет, Жалол, Сулаймон,
Сафар, Мирза, Орзу, Эримбет-чаён,
Халқнинг қонин сўрган сурбет, бевиждон
Ҳаммангдан биздай бир гадо яхшироқ.

Анов ўтирипти Қулмурод Муса,
Кўнгли ҳеч оқармас қирқ чайиб ювса,
Қашшоқларга бахту, ёруғ кун турса,
Учимни олмасам, ўлган яхшироқ.

Бошимга тушмакда балою ваҳим,
Сабабсиз таёқ еб, недур гуноҳим,
Ерни, кўкни яратган эй худойим,
Бу юришдан ажал келган яхшироқ.

¹ Н у р м у р о д — Бердақ замонидаги беклардан.

Бир оқшом қулайтиб, урди ёзиқсия,
Не чора, боғловда қолдик қозиқсия,
Қорақалпоқ, кунинг ўтди ёруғсия,
Шу қора умрингдан зиндон яхшироқ.

Не асл сўз айтдим, ўтди поёнсия,
Кўп хизматлар этдим, кетди аёнсия,
Мен ҳам бир жон эдим юртга зиёнсия,
Хўрлик кўрдим, ўлган чандон яхшироқ.

Бердимурод айтар, кўралмай яқти,¹
Улиб кетар бўлди, очилмай бахти,
Бердимурод халқни, халқи Бердақни,
Елғизидай кўрар, жондан яхшироқ!

¹ Я қ т и — ёғду, ёруғлик.

ҲУКИЗИМ

Елкасига бўйинтуруқ қўндириб,
Ер ҳайдайман ўз раъйимга кўндириб,
Аччиғланиб таёқ урсам дўндириб,
Тортади тер тўкиб қора ҳўкизим.

Бошвоғин қўймайин ҳар кун узади,
Ўзимдан ўзгани кўрса сузади,
Ҳар кун не қиларин тугал сезади,
Овулга белгили қора ҳўкизим.

Бу ҳўкизда, айтинг, кимнинг ҳақи бор,
Бу кунда кимларнинг синмас шохи бор,
Манглайида икки улкан шохи бор,
Элатда серсавлат қора ҳўкизим.

Қўш ҳайдаб турганда пода ўтади,
Ҳўкизимнинг жазаваси тутади,
Аччиғланса, мени судраб кетади,
Шунақа баҳайбат қора ҳўкизим.

Талтайиб тортади, баркашдай изи,
Қон тўлиб олайган ҳар икки кўзи,
Ҳўкизалар ичида ягона ўзи,
Элатда пурқудрат қора ҳўкизим.

Неларни кўрмади, ёронлар, бошим,
Азобу гурбатдан оқди кўз ёшим,
Умрим бўйи қўш ҳайдашган йўлдошим,
Белларимга қувват қора ҳўкизим.

Рўёбга чиққан йўқ бирон тилагим,
Золимлардан қўрқиб, титраб юрагим,
Вафолик йўлдошим кўп, чок эрмагим,
Утган умри — меҳнат, қора ҳўкизим.

Эй, жонивор, ҳа, чуҳ! Асло бўлма кам,
Кўнглим хуш турқингга бир бор қарасам,
Хизматимга сен ярайсан ҳали ҳам,
То ўлгунча раҳмат, қора ҳўкизим!

К Е Л И Н

Қошинг қора, белинг нозик,
Ўнг қўлингда тилло узук,
Ғайратинг ҳам анча тузук,
Хуфия мафтун бўлдик, келин.

Сочинг сумбул, юзинг оппоқ,
Қундуз киприк, юпқа дудоқ,
Писта бурун, лабинг қаймоқ,
Хушбичимсан, кўрдик, келин.

Қулоғингда сирғанг олтин,
Тилинг ширин, кўнглинг ёрқин,
Зўрға-зўрға келдим яқин,
Ҳайронликда қолдим, келин!

Ибратли ҳар қилган ишинг,
Ярқирайди инжу тишинг,
Юртдан ортиқ ақлу ҳушинг,
Наҳот гамга солдим, келин!..

Юзинг ўн беш кунлик ойдай,
Туққан онанг эди қандай?
Ширин экансан нақ болдай,
Паризод чиройсан, келин.

Ортиқ экан ақлу ўйинг,
Тол чибиқтай нозик бўйинг...
Тўс-тўполон ўтиб тўйинг,
Армонли қарайсан, келин.

Қайин оғанга бош букиб,
Қабоқ уйиб, ҳасрат чекиб,
Бағринг куйиб, ёшинг тўкиб,
Ёт элга келибсан, келин.

Кўксингга тақибсан танга...
Танга овинчоқми сенга,
Қайинларга бўлиб янга,
Ноялож сўлибсан, келин.

Қобирғангни қайғу сўкар,
Кўзалардан қонли ёш тўкар,
Қаддингни ҳам ҳасрат букар,
Армонда юргайсан, келин.

Баҳонг бўлди эллик тувар,¹
Отанг эски йўлни қувар,
Бу доғни не билан ювар,
Бебахт умр кўргайсан, келин.

Бахтинг очилмай кўнглинг ғаш,
Икки бекач сенга кундош,

¹ Т у в а р — мол.

Кунинг ўтарми беталаш,
Узга не кутгайсан, келин!

Хўрлик, азоб кўрган кунинг,
Йиглай-йиглай ўтар туинг,
Чиқмас эркин янгроқ увинг,
Армонда кетгайсан, келин.

Унсиз зоринг қулогимда,
Сен сезмас ёр қучоғингда,
Раиғ ҳам ўчар ёноғингда,
Дард чекиб ўтарсан, келин.

Ўз-ўзингни қилма хафа,
Қия чўлда чекма жафо,
Сўраб келса сингил, опа,
Нима ҳам айтарсан, келин!

Толма бел барносан ўзинг,
Шириндан-ширин ҳар сўзинг,
Ёндиради якки кўзинг,
Тутқунликда турма, келин.

Эсингни йиғ, хаёл сурма,
Биров учун йиглаб юрма,
Тенгингни топ, қараб турма,
Беҳуда оҳ урма, келин!

К У Р И Н Д И

Дунёси қурсин, йўқ унга поён,
Тилим тутилади, азоб чекар жон,
Элим оч, яланғоч, ғариб, нотавон,
Кенг ер юзи кўзимга тор кўринди.

Ерқанот учади, қизил, пари йўқ,
Пари йўқ, кори йўқ ё ҳунари йўқ,
Совуқда учолмас, ҳолу сабри йўқ,
Ёз қиш каби кўп дилзор кўринди.

Йўргаю, тулпору не-не югрук бор,
Одамизод шод чогида у даркор,
Боги эрам, ё хиёбон, теракзор
Кўзларимга бир чангалзор кўринди.

Кенг дунё менга тор, аломат бўлди,
Йўллар туман, қуюн, чанг билан тўлди,
Қизил гулдай юзлар сомондай сўлди,
Ўтган дунё менга мазор кўринди.

Одамга бемеҳр жаллод беомон,
Элни кўп йиғлатар оталик ва хон,
Бошга оғир кулфат бўлди бу замон,
Менга бари илон, чиён кўринди.

Дунё кўринади ўзимдай ғариб,
Ешлар юзи сўлгин, ёшликдан қариб,
Огалар мен айтай, қилмангиз айб,
У дунё ҳам менга ёлгон кўринди.

Бу дунёга қара, юммай кўзингни,
Зулматлари ўтга тортар ўзингни,
Бефатво этади золим сўзингни,
Замон менга қора зиндон кўринди.

Адолат йўқ на бегида, на хонда,
Шодлик йўқ ғарибда, фақир инсонда,
Бебахт ўтмоқдамиз шу кенг жаҳонда,
Ҳамма сири менга аён кўринди.

Бердимурод — шоир, тагин топгил сўз,
У ён-бу ёнингга қара, ташла кўз,
Дилда армон, киёлмадинг янги бўз,
Чархифалак кўп беомон кўринди.

Оз бўлди дунёнинг бизга вафоси,
Кўнглимдан кетмайди жабру жафоси,
Кимга тўй, тамошаси, сафоси,
Ғариб элим лолу ҳайрон кўринди.

Дунёси қурисин, ҳазон урмоқда,
Ясовуллар найза олиб турмоқда,
Бошимизда охирзамон қурмоқда,
Замон менга қора туман кўринди.

Дунё ёмон, адолатли замон йўқ,
Кунлар ўтар, тарқалажак туман йўқ,
Менинг бу сўзимда шак йўқ, гумон йўқ,
Эшмаматжон, дунё ёмон кўринди.

Уйлан кўнглим, замон жуда торилди,¹
Ғазабидан юракларим ёрилди,
Ғариб жоним қон-туптроққа қорилди,
Менга замон золим замон кўринди.

Не мажнунлар, не фарҳодлар уринди,
Чопқир отлар ориқлиқдан суринди,
Кам-кам элга аён бўлар сир энди,
Дунё менга бутун ёлғон кўринди!

Бу дунё керакдир ўлгунча банда,
Ҳолимга қилмагин кўп заҳарханда,
Айтажакман токи жон бор бу танда,
Золимларнинг иши пинҳон кўринди.

Уйлан дунё, ўйла жонга керакни,
Ёрма, золим, титроқ сўлгун юракни,
Эркимга қўй, бермасанг ҳам тилакни,
Давранг менга охирзамон кўринди.

Уйлан, Бердимурод, қисқарт сўзингни,
Қисқартмасанг, тупроқ босар юзингни,
Золимлар кўрсатмас босган изингни,
Жамолинг бир соат меҳмон кўринди.

¹ Т о р и л д и — тор бўлиб кетди.

Б У Й И Л

Мироблар олди тиллони,
Айтди валлоҳу биллони,
Қазмай йилдаги солмани,
Сувсиз ўтиб кетди бу йил.

Сув келмас кўк қулпурганда,
Ҳар хил қушлар қичқирганда,
Е бахт деб чигир қурганда,
Ариқ қақраб қолди бу йил.

Вақт ўтганда экин эдик,
Изгиринда қовун тикдик,
Охири итқовун едик,
Емонликка тушди бу йил.

Сув келмади атизларга,¹
Сув очилди кучи борга,
Оқсоқол — мироб қора қарга,
Бойлар билан юрди бу йил.

Ерларимиз бўлди аёқ,
Сувни очиб едик таёқ,

¹ А т и з — экери.

Мироб юриб доим саёқ,
Қиш озиқсиз қолдик бу йил.

Кимлар бизга бўлсин ёвуқ,
Экинларни урди совуқ,
Бир бурда нон, ёвгон ош йўқ,
Очлик ёмон бўлди бу йил.

Евгон бўлса, зўрға татиб,
Аталага тухум қотиб,
Бир ютум-чун кийим сотиб,
Қийинчилик бўлди бу йил.

Очдан ўлди неча одам,
Совуққа ҳеч бермай чидам,
Очлик нари кетмай мудом,
Ҳаммасини ютди бу йил.

Чигиртка еди арпани,
Қолибди фақат тўзонни,
Шошириб қўйди ҳаммани,
Тўнғиз ҳам бало бўлди бу йил.

Тинч қўймайин шу ҳолига,
Одамни солиб йўлига,
Ҳайдашди ариқ бўйига,
Оғирчилик бўлди бу йил.

Ариққа бордик озиқсиз,
Едик таёқни ёзуқсиз,

Войлоқли турдик қозиксиз,
Қазув огир бўлди бу йил.

Лойни тозалар чаққони,
Шу ерда битди топгани,
Урди мироб, чиқди қони,
Шундай қиргин бўлди бу йил.

Ҳамма юрар яланг оёқ,
Бари жулдур, йиртиқ, ямоқ,
Шунда ҳам мироб урар таёқ,
Огир ишлар бўлди бу йил.

Шундай бўлди ишнинг жуни,
Қўзғалолмас, чиқмас уни,
Қанчаларнинг битди куни,
Улганлар кўп бўлди бу йил.

ЧОР ТАРАФДА КҮНГЛИМ МЕНИНГ

Дунёга келдимү бироқ
Бўлдим айтганим менинг.
Эсим танигандан буён
Кейинга тортганим менинг!

Қалам ушлаб, ўлан ёздим,
Таҳсин этинг, йўлдан оадим,
Мингдан эмас, юздан ўадим,
Тинглангиз айтганим менинг.

Ўзимда йўқ андак билим,
Эмас эдим толиби илм,
Не ўйласам, сайрар тилим,⁴
Йул сайлаб, қайтганим менинг.

Кўрар ғариб юз минг озор,
Бердақ кўнгил доғин ёзар,
Душман сира солмас назар,
Сўз билан отганим менинг!

Маъракада ўпоқ бўлдим,¹
Энгазардай² сўпоқ³ бўлдим,
Кўлга борсам қўпоқ⁴ бўлдим,
Балиқдан тотганим менинг.

Тингла, эй юртим, найлайин,
Тилни тортиброқ сўйлайин,
Бу замонда не куйлайин,
Қийналади жоним менинг.

Уйлайик энди халойиқ,
Ушбу ҳолми бизга лойиқ,
Барчамиз бир иш қилайлик,
Кўнгилда армоним менинг.

Бўлмади бизда ҳеч маза,
Очилади гуллар тоза,
Халқ дардини ёза-ёза,
Қолдимки дармоним менинг.

Улмас асло шоирлигим,
Эл йиғиси менинг йиғим,
Айтар сўзим — пўлат тигим,
Қўрқмай кўр-чи ёвим менинг.

¹ У п о қ — майда, кичик.

² Энгазар — улкан.

³ С ў п о қ — хунук, уаун.

⁴ К ў п о қ — ўт, чўп.

Кўадан оқди қонли ёшим,
Имонсиз экан йўлдошим,
Оқарди куйгида сочим,
Кўнглимда армоним менинг.

Ёмон одам дەر носазо,
Кўринганга ўйлар жаазо,
Шуларнинг зўри Муртазо,¹
Зўрлиги ёдимда менинг.

Сўзлай берсам, сўзим битмас,
Сазолари дилдан кетмас,
Айтинг, нечук бағрим титмас,
Хўрлиги ёдимда менинг.

Кимга ҳам отар нолишим,
Кечалар фарёд солишим,
Ҳеч бўлмади кўнгил ҳушим,
Кўнглимда армон кўп менинг.

Қаҳр айласа агар қаҳдор,
Бузилмасми шаҳру диёр,
Қиш ўтиб, келмасми баҳор,
Кўнглимда армон кўп менинг.

Бошимга тушди қиёмат,
Бу замон бўлди аломат,
Юрсам агар соғ-саломат,
Барчаси ёдимда менинг.

¹ Муртазо — шоир замонасидаги бойлардан бири.

Яхшининг гули сўлмасин,
Қазо етмасдан ўлмасин,
Ғарибга жабр келмасин,
Барчаси ёдимда менинг.

Не кўрдим мен бу дунёда,
Бошим кулфатда балода,
Умрим увол кенг саҳрода,
Ҳаммаси кўнглимда менинг.

Бердимурод, ўйла ўзинг,
Қандай-қандай айтган сўзинг,
Қонинг қочиб, сарғиш юзинг,
Ҳаммаси кўнглимда менинг.

Ҳақ йўл учун белим боғлаб,
Қонлар ютиб бағрим доғлаб,
Юрганим йўқ вақтим чоғлаб,
Ҳаммаси кўнглимда менинг.

Беш кун хурсандлик кўрмадим,
Дўст билан суҳбат қўрмадим,
Қаторим билан юрмадим,
Ҳаммаси кўнглимда менинг.

Ғарибларнинг отаси йўқ,
Сўзларимнинг хатоси йўқ,

Юрагимда ёнар бир чўғ,
Ҳаммаси эсимда менинг.

Золимларнинг зулми қатти,¹
Ширин жонга ёмон ботди,
Бирин чопди, бирин отди,
Ҳаммаси эсимда менинг.

Золим қолмай ўлса, қани,
Бахту толе кулса, қани,
Кўзда ёшим қурса қани,
Ҳаммаси эсимда менинг.

Илож йўқ бундай дардларга,
Сўзингни сўзла мардларга,
Йўл кўрсатгил баландларга,
Тўғри бўлгай йўлим менинг.

Ешим ўтиб, ёш босмоқда,
Камчилик ҳаддан ошмоқда,
Бироқ сўз сувдай тошмоқда,
Чор тарафда кўнглим менинг.

¹ Қ а т т и — қаттиқ.

А Й Р И Л И Қ

Юрак-бағрим бирён этди
Золим айрилиқ-айрилиқ.
Кўнглимни кўп вайрон этди
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Бошимга тушди аломат,
Қутилолмадим саломат,
Кўрсатди бизга қиёмат,
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Айрилиқнинг жабру ўтди,
Йиглаб-йиглаб бари кетди,
Озроқ кўнглим очса кетди,
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Қўлларим бор, кўлларим бор,
Кўп уруғлик элларим бор,
На сўқмоқ, на йўлларим бор,
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Энди сени кўрмак йўқдир,
Олис йўлга хормак йўқдир,
Ҳолу аҳвол сўрмак йўқдир,
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Ҳақинг ўзи ёр бўлмаса,
Хаёлингни рост қилмаса,
Ваъда — қарорда турмаса,
Ёмон айрилиқ-айрилиқ.

Қавму қардош, туққан билан,
Дўстлар рози бўлган билан,
Зарра ваҳм қилган билан,
Ёмон айрилиқ-айрилиқ.

Айрилиқнинг жабри ёмон,
Бошда ҳар кун охирзамон,
Баҳром-гуландом — шу дoston,
Ёмон айрилиқ-айрилиқ.

Айрилиқнинг жабри ўтар,
Ёвга қачон навбат етар,
Кўнглимдан дард қачон кетар,
Зoлим айрилиқ-айрилиқ.

Ҳеч ким менингдек бўлмасин,
Борда гуллари сўлмасин,
Дўстлар йиғлаб, ёв кулмасин,
Зoлим айрилиқ-айрилиқ.

БЕР ЭНДИ

Бердимурод, сўзла сўзни,
Душманингга тикиб кўзни,
Ишонтиргил чоғлаб ўзни,
Ваъда бер энди, бер энди.

Чиқар бўлди жоним тандан,
Сўрасангиз, халқим, мандан,
Яратган, тилагим сандан,
Раҳм қилгил зинҳор энди.

Чўнтагимда йўқ қора пул,
Қавму қардошим бўлди қул,
Улар ҳали азоб нуқул,
Ердам бер энди, бер энди.

Раҳм айлагин сен ўзимга,
Кўзларинг тушсин кўзимга,
Қулоқ солиб бу сўзимга,
Қувват бер энди, бер энди.

Бердимурод, тут ўзингни,
Номардга бурма юзингни,
Кўрмасин душман изингни,
Ҳушёр бўл, кўкрак кер энди.

КҰРДИМ, КҰРМАДИМ

Мен ʋз сўзимни айтсам-да,
Ҳақ деб, раъйимдан қайтсам-да,
Айтар сўзни кўпайтсам-да,
Сўзимдан фойда кўрмадим,

Эй ёронлар, солинг қулоқ,
Менинг сўзим оққан булоқ,
Кайфимни бузар шум оёқ,
Шумлардан вафо кўрмадим.

Менинг кўнглим равшан, кўрсанг,
Халқим, қулоқ солиб турсанг,
Кўп уйланиб бўйнинг бурсанг,
Бўлажак ишларни билдим.

Бу дунё дунё бўлгандан,
Элу халқ бунёд бўлгандан,
Ҳам бевақт гуллар сўлгандан,
Бўлажак ишларни билдим.

Бердимурод айтар сўзни,
Еш тўлдирар икки кўзни,
Сўкиб юрманг энди бизни,
Узимга раво кўрмадим.

Мен ўзимдан аён этсам,
Замон тўрини баён этсам,
Қўрганимни айтиб ўтсам,
Бахтли фуқаро кўрмадим.

Отам бўлди доим оч,
Кийимсиз қипча-яланғоч,
Қуни учун тўкарди ёш,
Вафоли дунё кўрмадим.

Эл ахтариб, эл кезганман,
Талай одамдан безганман,
Шумлик борлигин сезганман,
Дунёда вафо кўрмадим.

Хитой-қўнғирот элида,
Ҳар халқнинг ўз ерида,
Айтмасам кетар кўнглимда,
Вафоли дунё кўрмадим.

Мен шоирман, шайтон эмас,
Айтмасак сўз ёддан келмас,
Бу сўз фарқни нодон билмас,
Дардимга даво кўрмадим.

Маърака, тўйлар бўлганда,
Олисдан тўйга борганда,
Қиз-жувонлар гап урганда
Сўзида маъно кўрмадим.

Мен айтайин жавоб, деди,
Мен қилайин тавоф, деди,
Жонингизга савоб, деди,
Сўзларда маъно кўрмадим.

Тинглангиз мен айтган сўзни,
Восвос экан деманг бизни,
Баён айлайин, бир қизни
Олисроқда туриб кўрдим.

Юалари гўзал кўрмакка,
Сайрон этиб бир юрмакка,
Меники бўлсин демакка,
Сой бўйида юриб кўрдим.

Сарвидек экан бўйлари,
Тенгидан ортиқ ўйлари,
Кўп яхши феълу ҳуйлари,
Солланган ойимни кўрдим.

Кўрсанг ёндираб кўзингни,
Хўп тинглар айтган сўзингни,
Уялар кўрса ўзингни,
Солланган ойимни кўрдим.

Товланганда нози бордир,
Дутордай овози бордир,
Қиши йўғу, ёзи бордир,
Солланган ойимни кўрдим.

Сийнаю бели келишган,
Тенгдошлар ҳолин билишган,
Армонсиз ўйнаб кулишган,
Битта кўзи қора кўрдим.

Кўрсангизлар билаги оқ,
Пари каби, юпқа дудоқ,
Кийса устига зарвароқ
Ҳамма қиздан аъло кўрдим.

Сочи узун, сочбор таққан,
Хон олурга қошини қоққан,
Ҳаммага бирдайини ёққан,
Нозли бир жонона кўрдим.

Инжудай кўрсанг ҳар тиши,
Одам билан йўқдир иши,
Банд бўлур кўрса ҳар киши,
Нозли бир жонона кўрдим.

Қўнғиротли шу қизга борди,
Олиш учун совчи солди,
Никоҳ ўқиб, қизни олди,
Мен ўз кўзим билан кўрдим.

Қиз тегмади у йигитга,
Ерим бор, кетмайман четга,
Еталмай ғариб ниятга,
Йиглаб турган қизни кўрдим.

Менинг сўзим нуқул маъно,
Пайқар буни ақли аъло,
Қиз бошига тушди бало,
Йиглаб турган қизни кўрдим.

Мен сўзни баён этайин,
Беҳуда айтиб нетайин,
Ҳаммасини кўрсатайин,
Мен ўз кўзим билан кўрдим.

Душманнинг ери боғ бўлди,
Фуқарога кўп доғ бўлди,
Бердимурод — Бердақ бўлди,
Мен ўз кўзим билан кўрдим.

ДОД ДЕМА

Кетган йўқ отангининг моли,
Дод дема Сойим,¹ дод дема,
Кетган йўқ ҳатто от ёли,
Дод дема, Сойим, дод дема.

Отинг сенинг мулла Сойим,
Ушур, питир² келар қойим,
Умринг шундай ўтар доим,
Дод дема, Сойим, дод дема.

Эрта келар тагин питир,
Уни ҳам ол, қилгил шукр,
Дунёнг ортар, солсанг ажир,
Дод дема, Сойим, дод дема.

Тўса тўзар битта тўнинг,
Қолганмиди шунга кунинг?
Ҳой инсофсиз, ўчир унинг,
Дод дема, Сойим, дод дема.

¹ С о й и м — Мулла, эшон.

² П и т и р — Рўзада бериладиган садақа.

Қара менга кўзинг очиб,
Нега ақлинг кетди қочиб,
Юрма беҳуда сўз сочиб,
Дод дема, Сойим дод дема!

Юртдан йирғасан худоёи,
Маълум-ку мулланинг жойи,
Шундай ўтар кун-ойи,
Дод дема, Сойим, дод дема!

БИЛГАЙСАН

Биров билан йўлдош бўлсанг,
Аввал отини билгайсиз,
Сафардаги сирдош бўлсанг,
Асли зотини билгайсиз.

Хотин олсанг, яхшисин ол,
Суҳбат қуриб, қулогинг сол,
Кўркин олма, ҳулқини ол,
Синаб, хотинни билгайсиз.

Бировлар бой, биров ёрли,¹
Бировлар номусли, орли,
Бировлар дили озорли,
Бор хислатини билгайсиз.

Бер деганда, дўстингга бер,
Душманни этгил қора ер,
Кеккайиб, ўзни сезма шер,
Насиҳатини билгайсиз.

Араби—яхши от бўлур,
Эр йигитга қувват бўлур,

¹ Ё р л и — камбағал.

Улгунича хушвақт бўлур,
Уйлаб фарқини билгайсиз.

Биров баланд, бировлар паст,
Бировлар азали нокас,
Сўзим тингланг, ёлгон эмас,
Уйлаб фарқини билгайсиз.

Оғабеклар, ёшим ўрта,
Айтмагайман сўзни жўртта,
Бахт изладим ўла-йўрта,
Уйлаб фарқини билгайсиз.

Оғабеклар, шоир бўлдим,
Гуж эдим, саргайдим, сўлдим,
Дунёга келиб не кўрдим,
Оҳу зоримни билгайсиз!

НОДОН БЎЛМА!

**Дунёнинг ҳолини сўрамай,
Азаматликка ярамай,
Олди-ортингга қарамай,
Фаҳми йўқ, сен нодон бўлма!**

**Чопонинг солиб эгинингга,
Тушиб бурунги кунингга,
Бейўлдош тушиб йўлингга,
Фаҳми йўқ, сен нодон бўлма!**

**Бораман деб овул ёққа,
Билмай учрарсан қумлоққа,
Қолгайсан битмас мазоққа,
Каримбой нодон бўлма!**

**Унбоши бўлиб турибсан,
Элдан беҳабар юрибсан,
Вор-йўғи мироб бўлибсан,
Каримбойдай нодон бўлма!**

**Сенинг отанг Қулмат ёмон,
Ундан нечук қолдинг омон,
Ғарибларга оғир замон,
Фаҳми йўқ, сен нодон бўлма!**

Отанг ахир миробмиди,
Бундай амал сўрабмиди,
Сендай солиқ тўплабмиди,
Фаҳми йўқ, сен нодон бўлма!

Сенинг тенгинг эмас амал,
Тушиб олгин ҳоврингдан сал,
Далага чиқ, кетмонга гал,
Нодонлардай нодон бўлма!

Белни богла, кетмонни ур,
Ермангни ич, кайфингни сур,
Ота-бобо йўлидан юр,
Нодонлардай нодон бўлма!

КИМ АЙТУР...

Отасидан ёмон бўлса,
Уни яхши деб ким айтур?
Ақлсиз ҳам нодон бўлса,
Уни яхши деб ким айтур?

Одамни-одам демаса,
Яхшилик қадри билмаса,
Йиғласанг сира кўрмаса,
Уни одил деб ким айтур?

Халқига назар солмаса,
Кенг-мўлчилик беролмаса,
Ҳақиқатлаб сўролмаса
Пошшо оқил деб ким айтур?

Евуз гуноҳин билмаса,
Билиб дорига илмаса,
Ҳаммани бирдек кўрмаса,
Бошчи полвон деб ким айтур?

Йиғлаганни юпатмаса,
Дарҳол ёнига тортмаса,
Халқи тотгани тотмаса,
Уни султон деб ким айтур?

Айтган арзаси битмаса,
Доди пошшога етмаса,
Тўғри тўралик этмаса,
Халқи рози деб ким айтур?

Ҳақ-ноҳақ не — билишмаса,
Одил ҳукмин қилишмаса,
Чигил довни ечишмаса,
Уни қози деб ким айтур?

Қора қилни қоқ ёрмаса,
Сўзни дангал айтолмаса,
Айтгани тўғри бўлмаса,
Уни эшон деб ким айтур?

Ғарибга назар солмаса,
Фақирга нафи бўлмаса,
Кунгирали жой солмаса,
Уни боён деб ким айтур?

Бўйнига пўта солмаса,
Нафсини тия олмаса,
Ростдан тақводор бўлмаса,
Сўфи ёши деб ким айтур?

Қора сувни тиндирмаса,
Қора тошни синдирмаса,
Чўлга овул қўндирмаса,
У элбоши деб ким айтур?

Кулиб-яшнаб меҳмон кўrsa,
Топганин аямай берса,
Молсиз умрин бойдан кўrsa,
Уни фақир деб ким айтур?

Қочириққа сўз қотмаса,
Дарёдай оқиб ётмаса,
Тилларидан бол томмаса,
Чечан шоир деб ким айтур?

КЎЗИМ

Ёруғ дунё кўрмай ўтдим армонда,
Замон зардобидан кўр бўлди кўзим,
Қайғу ҳайрат тошиб ётган замонда
Қандай кун кўраман, кўр бўлди кўзим.

Менинг кўзим кўрмас, кўксим ярадир,
Шифо топмай, кунлар ўтиб борадир,
Кўзи йўқнинг, билсанг бахти қорадир,
Замон зардобидан кўр бўлди кўзим.

Вой оғалар, бу не замон — гафлатдир,
Одамзодга нуқул қайғу, кулфатдир,
Бир нечага ишлар доим миннатдир,
Бу дунёда ёруғ кўрмади кўзим.

Кўзим кўрмас фақат ваҳмада бошим,
Азоб билан ўтди етмиш беш ёшим,
Фақат ўлмоқ қолди, қавму қардошим,
Бу дунёда ёруғ кўрмади кўзим.

Фалакнинг гардиши урди ўзимни,
Кўзим сўқир, ким ҳам тинглар сўзимни,
Ахир менинг сўлдирмагай юзимни
Замон зардобидан кўр бўлди кўзим.

Кўзим кўрмай, мени ҳайрон этибдир,
Ақлу ҳушим йиғлаш билан кетибдир,
Тири ҳасрат суягимга етибдир,
Замон зардобидан кўр бўлди кўзим.

Бу шум дунё мени вайрон этарми,
Ёки ажал эрта олиб кетарми,
Ҳеч ким мендай армон билан ўтарми,
Очилиб, ёруғ кун кўрарми кўзим?

Эй оғалар, бевақт кунда тугилдим,
Қоронғида йўл тополмай, бўғилдим,
Тўлқиндай тугёним наҳот қолгай жим,
Очилиб, ёруғ кун кўрарми кўзим?

КЕТГАН КЕЛАРМИ

Қўллариңга қўбиз олиб,
Инғласанг ҳам войвой солиб,
Жинни бўлсанг, ҳуш йўқолиб,
Уйлан, кетганиңг келарми.

Бошини тошга урсанг ҳам,
Қайрилсанг, бўйин бурсанг ҳам,
Карвон йўлларда турсанг ҳам,
Уйлан, кетганиңг келарми.

Кўр бўлса ҳам икки кўзинг,
Тош ёрса ҳам айтган сўзинг,
Осилиб ўлсанг ҳам ўзинг,
Уйлан, кетганиңг келарми.

Қуш бўлиб қанот қоқсанг ҳам,
Сув бўлиб, барқо оқсанг ҳам,
Гавҳардан чироқ ёқсанг ҳам,
Уйлан, кетганиңг келарми,

Ақлли, билгич бўлсанг-да,
Дунё юзини кўрсанг-да,

Қизил гул каби сўлсанг-да,
Уйлан, кетганинг келарми.

Довруғинг жуда ошса ҳам,
Давлатинг сувдай тошса ҳам,
Обрўйингни талашса ҳам,
Уйлан, кетганинг келарми,

Қора ерни телган билан,
Гўр қучоқлаб ўпган билан,
Кўз ёшингни сепган билан,
Уйлан, кетганинг келарми.

Дунё молингни сочсанг-да,
Хазина огзин очсанг-да,
Қуш бўлиб кўкка учсанг-да,
Уйлан, кетганинг келарми.

Белингни маҳкам бўғсанг ҳам,
Отадан ортиқ туғсанг ҳам,
Улгунча уни қувсанг ҳам,
Уйлан кетганинг келарми.

Енингга жарчи олсанг-да,
Жаҳонга жарлар солсанг-да,
Ҳақлаб, гадолик қилсанг-да,
Уйлан, кетганинг келарми.

Кеча-кундуз зор йиғласанг,
Юрак-бағрингни тигласанг,
Ўзни ўлимга чоғласанг,
Ўйлан, кетганинг келарми.

Тўғри сўз шу — кетган келмас,
Оҳу войинг сира билмас,
Фигонларинг таъсир қилмас,
Ўйлан, кетганинг келарми.

БЎЛМАДИ, ҚОЛМАДИ...

Мен узоқ сафарга юриб,
Йўлда дармоним қолмади,
Дунёнинг меҳнатин кўриб,
Йўлда дармоним қолмади.

Дунё роҳатин кўрмадим,
Бир кун шод бўлиб юрмадим,
Қиз билан ўйнаб-кулмадим,
Менга мададкор бўлмади.

Турли-туман замон бўлди,
Хазон уриб, гулим сўлди,
Ғариб-ғасар кўнглим олди,
Узгадан мадор бўлмади.

Бою, тўра, бегу, домло,
Тўғри йўлдан юрмас асло,
Шумлик билан йиғар дунё,
Номус билан ор қолмади.

Яхшининг феъли кенг келар,
Ёмон ёмонлигин қилар,
Шаҳзодалар, хону, беклар,
Ҳеч ҳам адолат қолмади.

Олим бўлсанг, илмингни тут,
Елғиз ўзинг бўлмайсан юрт,
Золимлардан учиргин қут,
Жиндак шафоат қолмади.

Мен ўзим билгич эмасман,
Ута билгичман демасман,
Елғонга ёвуқ келмасман,
Кўнглим асло кир бўлмади.

Борми дардимнинг давоси,
Борми дунёнинг вафоси?
Барча одамнинг боласи,
Хулқи аммо бир бўлмади,

Дўстлар, элга этманг гуноҳ,
Бундай дардга бўлмас даво,
Каъбанг элу, ота-она,
Ундан улугроқ қолмади.

Эл дедим, белни боғладим,
Юрак-бағримни доғладим,
Эл кездим, зор-зор йиғладим,
Яқину йироқ қолмади.

Ҳар сўзимда қайғу ва зор,
Айтсам, ичим ёнар такрор,
Лекин, сўзимда маъни бор,
Менга бир таянч бўлмади.

Армоним кўлдир ўзимнинг,
Камчилиги бор сўзимнинг,
Сўлғин тортиши юзимнинг
Муллада имон қолмади.

Йилдан-йил замон тор келди,
Бойдан тўра маккор келди,
Бекдан хони гаддор келди,
Дунёда поён қолмади.

Сўзим равшан ўз элимга,
Элим тушунар дилимга,
Элга айтмай айтай кимга,
Бекларда инсоф қолмади.

Қаққайди бу замон қадди,
Ошди золимларнинг қадди,
Не-не балолар кўрсатди,
Бирон кўнгли соф қолмади.

Олтмиш бешга тўлди ёшим,
Умр бўйи заҳар ошим,
Қайғудан оқарди бу бошим,
Кўнглим бир кун шод бўлмади.

Эл дедим, белни боғладим,
Юрак-бағримни доғладим,
Эл кездим, зор-зор йиғладим,
Элим қеч обод бўлмади!

Э К А Н

Йигитлик асли нор экан,
Кексалик деган жар экан.
Ешинг етиб, қариган сўнг,
Кенг дунё сенга тор экан.

Билгич сўзи васиятдир,
Яхшилардан шарофатдир,
Кекса сўзи насиҳатдир,
Билмаганлар ночор экан.

Билгандан сўз тингламаган,
Сўз маънисин англамаган,
Улкандан ўгит олмаган
Ақилсизу нодон экан.

Қариларга бермас салом,
Фақирларга озор, дашном.
Уқрайиб қарашлик мудом,
Ноинсофлик ёмон экан.

Дунёси беҳисоб эрди...
Йилқим етти дуркун, дерди,

Қорун¹ дунёда не кўрди?
Дунё сўнги вайрон экан.

Бу дунёга кўнгил берган,
Улмаيمان, деб гофил юрган,
Етти иқлимда ҳукм сурган
Искандар ҳам ҳайрон экан.

Қашшоқнинг кўрар куни йўқ,
Устига кияр тўни йўқ,
Булбулнинг қўнар ўрни йўқ,
Гул деб шохга қўнган экан.

Хароб бўлган экан куним,
Сўзлай олмай, ўчди уним,
Йўқсилга бўлмай бир тиним.
Нон — деб йўртиб-елган экан.

Елиб-йўртиб, емак топмай,
Емак топса, устин ёпмай,
Кундуз дайдиб, оқшом ётмай,
Тақдир шундай бўлган экан.

Сўзларим дарёдай тошди,
Булбул сайраб йўллар ошди,
Бизга тақдир шундоқ қасдми,
Табдил наҳот ёлғон экан.

¹ Қорун — бойликка тўймай, ахири ер ютган бой. (Афсона).

Ҳеч ким назар солмас бизга,
Айташман, халқим сизга,
Сўзим етсин ўзингизга,
Кўп сўз зое кетган экан.

Бўлурмикан ҳосил мурод,
Тангрим унгламайди наҳот,
Нақ шу ерда Бердимурод
Сўзни тамом қилган экан.

УМРИМ ВА КУНЛАРИМ

Дунёга келиб не кўрдим,
Кулфатда ўтди бу умрим,
На ўйнадим ва на кулдим,
Ҳасратда ўтди бу умрим.

Ўйлаб етолмайман ўзим,
Эшитгин эл, айтган сўзим,
Сарғайди гафлатда юзим,
Гафлатда ўтди бу умрим.

Не кўрдим мен бу дунёда,
Йўл кечиб чўлда, қиёда,
Кун сайин қайгим зиёда,
Меҳнатда ўтди бу умрим.

Ҳолимни кўриб кулгани,
Ота-бободан билгани,
Баён этайин кўрганни,
Заҳматда ўтди бу умрим.

Бердимуроди уч ёшида,
Меҳрибон она қошида,
Бормиди бўрки бошида,
Бир нишона бергил, умрим!

Дунё ўтди, дунё ўтди,
Гўдак ёшим бир-бир кетди,
Тўртдан — беш, олтига етди,
Ёшлик даврин сургил, умрим!..

Еттидан сўнг саккиз қишим,
Саккиз ёшда тушди тишим,
Шўхлигим, ҳамма қилмишим
Ёдимда бут қолмиш, умрим.

Ун ёшимда ўқиб калом,
Улуғларга бердим салом,
Йиғлай қолсам, ота-онам
Кўп меҳрибон бўлмиш, умрим.

Талай бола ўқиб қуръон,
Тушунолмай бағрим бирён,
Зорланардим гирён-гирён,
Оҳу фиғон чеккан умрим.

Уйнар эдик онда-сонда,
Талай ўртоқ дала ёнда,
Камчилик кўрган замонда
Кўзда ёшим тўккан умрим...

Ун бир ёшда ортда шўхлик,
Бўлмаса-да чала тўқлик,
Эска келармиди йўқлик,¹
Беҳабар кулган кунларим

¹ Т ў қ л и к, й ў қ л и к — тўқчилик, йўқчилик маъносидда.

Үн бирдан — Үн икки, Үн уч,
Бўйга секин тўлишар куч,
Тегидошлар билан бўлиб дуч,
Шодумон бўлган кунларим.

Үн олтидан сўнг Үн етти,
Гўдак ёшим бекор ўтди,
Бағримни зардоблар тутди,
Кўзим очилган кунларим.

Кетабердик эски изда,
Қарши сўзга неҳол бизда,
Үн саккизда, Үн тўққизда,
Ризқим сочилган кунларим.

Йигирмада чинордайман,
Юк кўтарганда нордайман,
Арслонга зўр келардайман,
Кучга тўлишган кунларим.

Йигирма иккинчи йилга
Куч ва қувват тўлди белга,
Тоб беролдим бўрон, селга,
Кучга тўлишган кунларим.

Тошар эди йигит кучим,
Бўлган йўқ йўл кўрсатгучим.
Қирчиллаб йигирма учим,
Юрак жўш урган кунларим.

Юрган ерларим доим ўрт,¹
Келиб қолди йигирма тўрт,
Дуч бўларми бизга ҳам қут...
Юз хаёл қурган кунларим.

Бўронларга бош бермайин,
Бирон ақлда турмайин,
Ҳеч ким йўлида юрмайин,
Йигитлик ошган кунларим.

Дунё кездим топмайин эш,
Ҳар қадамда бир бало пеш,
Бетинч, бесабр йигирма беш.
Дарёдай тошган кунларим.

Етиб келди йигирма олти,
Дунё бошга бало солди,
Армонларим дилда қолди,
Неларни кўрмади умрим.

Хаёл судраб кетди мани...
Кўрдим кекса Кунхўжани,
Халқимнинг ардоқлаганини...
Қайларда юрмади умрим.

Бориб, сўзимни тияглатдим,
Нуқсонларини ўнглатдим,

¹ У р т — ўт, ёнги маъносида.

Икки ой уйида ётдим,
Улақ завқин тотган умрим.

Келди-ку йигирма саккиз,
Меҳнат чекдим мисли ҳўкиз,
Ундан сўнг йигирма тўққиз,
Қайгуларга ботган умрим,

Огажонлар тинглангиз сўз,
Мен шўрлига ташлангиз кўз,
Ўтди-ку йигирма тўққиз,
Келгинди бўлган кунларим.

Катта савдо тушди бошга,
Бўлиб олдим қорақашқа,
Тўлдик мана ўтгиз ёшга,
Хазондай сўлган кунларим.

Ўт бошига — ўт оғаси...
Лахта қон кўнгил яраси,
Ўтдими умрим сараси,
Майхона кирган кунларим.

Машақатлар кўрдим қанча,
Ёддан чиқарми ўлгунча,
Сўзга сўзни қўшиб анча,
Шеър тўкиб юрган кунларим,

Майхонадир — ўтгиз олти,
Йигитлигим кетда қолди,

Дилни алам босиб олди,
Зору зор кезган кунларим.

Ўттиз етти, ўттиз саккиз,
Ингитлик қайтмагай ҳаргиз,
Келди мана ўттиз тўққиз,
Бағримни эзган кунларим.

Ўттиз билан қирқда бор фарқ,
Токай гамга бўлгайман гарқ,
Қирқ ёшимда таниди халқ,
Бағримни сўккан кунларим.

Эндиги ёшим — ёш эмас,
Бошим ҳам энди бош эмас,
Ахир, ёрилмас тош эмас,
Ўтганингми шу хил, умрим.

Қирқ ҳам ўтди, келди эллик,
Фарқи ҳаммага белгилик,
Аҳволим бўлди кулгилик,
Ўтда қолдими дил, умрим!

Етолмадим муродимга,
Ким қулоқ солгай додимга,
Олтмиш ҳам келди олдимга,
Ҳасратларда ҳайрон умрим!

Дунё! Энди бўлганингми,
Чиндан кетда қолганингми,

Вақти келмай, сўлганингми,
Вайрон умрим, вайрон умрим!...

Кўрдим Хоразм, Бухорони,
Донғи чиққан кўп шаҳарни,
Топмай дилдаги гавҳарни,
Армон билан ўтди умрим.

Дунё шундай кечди ахир,
Кун элتماди ғариб, фақир,
Бердимурод, дўстни чақир,
Кетди умрим, кетди умрим!

Етолмайман, йироқдаман,
Яёв етолмас ёқдаман,
Умрим бўйи фироқдаман,
Ўтганингми энди умрим.

Ўтиролмас, бўлдим ўпоқ,
Турганимда худди сўпоқ,
Кунлар қайда апоқ-чапоқ,
Кетганингми энди умрим?

Юрарга мадор қолмади,
Дунё бир кунча бўлмади,
Айтганимни ҳақ қилмади,
Овора, сарсон кунларим!

Бахт кимгаки солса назар,
Унинг умри гўё бовор...

Бердимурод ўлан ёзар,
Дил мулки яксон кунларим.

Улан айтсам кўнглим ўсар,
Йигитликдан қолган асар...
Баъзи чоқ ёдимга тушар,
Қайтмагай кетган кунларим.

Бу дунёда суринг даврон,
Гамдан йироқ, уринг жавлон,
Кўнгилда қолдирманг армон,
Армонда ўтган кунларим!..

Мени гуноҳкор қилманглар,
Нодоннинг тилин олманглар,
Ёмонга ёвуқ бўлманглар,
Балолардан кечган умрим:

Шелар кечмади бу бошдан,
Кўзларим аримай ёшдан,
Бўлса ҳамки бошим тошдан
Заҳар-заққум ичган умрим.

Дунёга келиб, не кўрдим,
Қайда бўлдим, қайда юрдим,
Ким билан ҳам ишрат қурдим,
Утканингми шўрлик умрим!..

Англа, сўзимни халойиқ,
Айтиб кетмак бизга лойиқ,

Ҳаммага маълум қилайлик,
Кўрди фақат хўрлик умрим...

Бердақ йиғлаб зорли халққа,
Ўғит айтар ёрли халққа,
Ўздайини шўрли халққа,
Ўтди ёруғ кўрмай умрим

Сўзинг элга ибрат бўлар,
Сўз қолмаса, ниманг қолар,
Улсанг, элинг ёдга олар,
Кетди даврон сурмай умрим.

Умр бўйи ёндим, куйдим,
То ўлгунча юртни суйдим,
Эл деб кўздан дарё қуйдим,
Эл ғамида ўтган умрим!

Ким эдинг сен Бердимурод,
Элинг сени демагай ёт,
Лоақал қолсин яхши от,
Эл ғамида ўтган умрим.

Мен элга бахт етса, дедим,
Золим ўти ўчса, дедим,
Нола чекиб, қайғи едим,
Эл ғамида ўтган умрим.

Элга нолиш этгил, Бердақ,
Армон билан кетгил, Бердақ,

Дилда борин битгил, Бердақ,
Эл гамида ўтган умрим.

Нари-бери кўп сўз айтдим,
Билмайман, ё йўлдан қайтдим,
Наҳот, дўстимни мунгайтдим,
Қафасларда ўтган умрим!

Ажал хавфи турар бошда,
Хор бўлдимми ўлар ёшда,
Йиллар кечди сўз талашда,
Қафасларда ўтган умрим.

Топилар сўзнинг жўяси,
Сўзларимнинг бор эгаси,
Қорақалпоқлар ўлкаси..
Армоқ билан ўтди умрим.

Бердимурод ҳақнинг қули,
Саҳрода ўсган булбули,
Улар йилим — тўнғиз йили,
Армон билан ўтди умрим.

К Е Р А К

Шохида булбул сайраган,
Боглари гул-гул чаман,
Кун нурлари яшнаган,
Еруг дунё керак менга.

Соғмоқ учун биям бўлса,
Ёки бирон туям бўлса,
Жамоат жамулжам бўлса,
Еруг дунё керак менга.

Тоглар бошида ётар қор,
Менга керак вафоли ёр,
Бағри бутун, юзи анор,
Еруг дунё керак менга.

Гулдай очилиб ўйнаса,
Олди-ортини ўйласа,
Кўнглимда армон қўймаса,
Еруг дунё керак менга.

Юртлар бўлиб манзил-манзил,
Қишловига қўнганда эл,
Бўлса эди бир хипча бел,
Еруг дунё керак менга.

Ели бароқ, қайчи қулоқ,
Чарчаш билмас, пўлат туёқ,
Бедов керак кетсам йироқ,
Еруғ дунё керак менга.

Ҳар йигити арзир жонга,
Уч десаиғ, учар осмонга,
Ўзини урар душманга,
Еруғ дунё керак менга.

Йигитки, йўлдан қайтмаган,
Душманга сирин айтмаган,
Дўстларини мунгайтмаган,
Еруғ дунё керак менга.

Соясин солган фақирга,
Сувлар оқиэган тақирга,
Иўл кўрсатган ҳар сўқирга,
Эл ғамхўри керак менга.

Белини маҳкам бойлаган,
Ўзини жангга шайлаган,
Элу юртини ўйлаган —
Эл ғамхўри керак менга.

УЙЛАНМА

Йўлингдан қайтма ортингга,
Синглим, ўйланма, ўйланма.
Ҳар гапни солма ёдингга,
Синглим, ўйланма, ўйланма.

Не фойда бор ўйланмоқдин,
Не фойда ўтда ёнмоқдин,
Бекор ёниб қийналмоқдин,
Синглим, ўйланма, ўйланма.

Ишонма оға, янгага,
Қувонма таққан тангага.
Сирингни айтма ўнггага¹,
Суймас ёр учун ўйланма!

Қайғу чекмай, тенгинг изла,
Ҳур бўлмасдай ерни кўзла,
Ёмон айтма, яхши сўзла,
Суймас ёр учун ўйланма.

Молига учма, сингилжон,
Азоб берар сенга нодон,

¹ У н г г а — ўзга, бошқа демак.

Хушторман дер, сўзи ёлгон,
Суймас ёр учун ўйланма.

Келипти манав суйганинг,
Аввалдан кўнгил қўйганинг,
Кўзингни очиб кўрганинг,
Суймас ёр учун ўйланма.

Бирга отлан бугун тунда,
Йиглаб юрма кунда-кунда,
Шуни топдим ўйлаб мен-да,
Муродингга ет, ўйланма.

Қарама берган молига,
Қарармиди у ҳолингга,
Тенг сайла ўз жамолингга,
Суйганингга ет, ўйланма.

Чигалингни тузатайин,
Суйганингга узатайин,
Душманингни бўзлатайин,
Ортиқ ўйланма, ўйланма.

Қўлингни бер, бери юргин,
Суйганинг-ла суҳбат қургин,
Қўшилиб узоқ умр сургин,
Ортиқ ўйланма, ўйланма!



АҲМОҚ ПОДШО

I

Ўтган кунларга қарасам,
Билганлардан гап сўрасам,
Айтган сўзларин тингласам,
Кўп аломат бўлган экан.

Биров сувдай равон оқиб,
Биров жонни ўтга ёқиб,
Кўзидан қонли ёш оқиб,
Кўнгли дардга тўлган экан.

Душманига сирин айтмай,
Ўз йўлидан кетга қайтмай,
Дўстларини ҳеч мунгайтмай,
Не-не мардлар ўтган экан.

Олинмай сонга-ҳисобга,
Чидаёлмай кўп азобга,
Лаънат ўқиб беинсофга,
Не ҳамдардлар ўтган экан.

Ола ип осиб бўйнига,
Кўз ёши тўлиб қўйнига,
Тушиб сарсонлик йўлига,
Дод деганлар ўтган экан.

Қорайиб оппоқ юзлари,
Жовдираб ёшли кўзлари,
Ҳеч қайда ўтмай сўзлари,
Панд еганлар ўтган экан.

Тенглик топмай хўрлик билан,
Кунлар кўриб торлик билан,
Эрсиз бўлиб зўрлик билан,
Халқ ҳайдовда юрган экан.

Хўрлик, ғазаб ҳеч орилмай,¹
Золим қонига қорилмай,
Қора булут қоқ ёрилмай,
Халқ қора кун кўрган экан.

Чиқдим кўз очиб дунёга,
Қарадим узоқ қняга,
Меҳнатлар кетмиш зоёга,
Кўрдим бария бошдин-оёқ.

Кексалар қилса ҳикоят,
Элу юрт қилса риоят,
Мен ҳам ҳурмат этдим ғоят,
Насиҳатга солдим қулоқ.

Дўстни йиғлатгим келмади,
Лекин, ёвим йўл бермади,

¹ О р и л м а й — аримасдан, оримасдан.

Уссам қиличин сермади,
Қўёлмадим эркин оёқ.

Қилич кесди бутогимни,
Устирмайин урпогимни,¹
Шўрлик этди тупроғимни,
Мен гўёки чўлда қиёқ.

Кўзумдан оқди қонли ёш,
Қайғимда кездим яккабош,
Бир гал тўйиб емадим ош,
Қия чўлга бўлдим қўноқ.

Кўрдим кўз билан нечани,
Йиглаб ўтказдим кечани,
Бўлдим бир элнинг чечани.
Бахт кўрмайин ўтдим бироқ.

Бурро сўзлар тилим нуқул,
Очялмади боғимда гул,
Элим мени атар булбул,
Тугилибман бевақт сайроқ...

Шундай бўлса ҳам, ҳар қалай,
Сайрадим мен талай-талай,
Сайрадим орқада қолмай,
Соа билан ўйнади бармоқ

¹ У р п о қ — зурриёт, авлод.

Халқ учун сақладим орни,
Сафларга туздим қаторни,
Зорли овозга дуторни,
Қўшиб айтдим ҳар чоқ-ҳар чоқ.

Эл кезганда шундай бўлиб,
Кетди бағримга дард тўлиб,
Гўёки ҳар кун бир ўлиб,
Тушди бошга оғир салмоқ.¹

Қарасам, ёшим етипти,
Тиш тушиб, ишим битипти,
Йигитлик бошдан ўтипти,
Бердимурод, ҳолингга боқ!

Қўлимга дутор олганда,
Оқдарё² томон борганда,
Бир қиссани ўқиганда,
Хўп воқеа кўрган эдим.

Кўп йиллар ўйлаб юрган сўнг,
Яхши-ёмонни кўрган сўнг,
Ёшим эликка келган сўнг,
Қиссага вақт берган эдим.

Бекор кетмасин сўзим, деб,
Юмилган вақтда кўзим, деб,

¹ С а л м о қ — савдо, мусибат.

² О қ д а р ё — жой.

Достонда худди ўзим, деб,
Шунга кўнгил берган эдим.

Қиссага боғлаб ўйимни.
Зор билан чертиб куйимни,
Ҳам сўйиб ёлғиз қўйимни,
Шу достонни ёздим бошлаб.

Оғирликка қилдим сабр,
Кундан-кунга бўлди жабр,
Тошилки бало минг-да бир,
Кетганим йўқ бироқ ташлаб.

Ёздим бир йил — ўн икки ой,
Топсам овқатга қўндим мой,
Хафа кўнглим ҳеч хуш бўлмай:
Юра бердим кўзни ёшлаб.

Олтин — айтган ҳар бир сўзим,
Сўзим эмас, у мен ўзим,
Баъзан юмиб икки кўзим,
Қолар эдим бошни қашлаб.

Қадримни ахир халқ билар,
Халқ билмаса балиқ билар,
Улмаган сўзимни кўрар,
Ҳам қадрлар қўлга ушлаб.

Хато бўлса сўкманг, ёшлар,
Қайғудошлар ва тенгдошлар,

Бердимурод сўзни бошлар,
Маъни олинг, кўягил хушлаб...

II

Қийналур танда ширин жон...
Умри ўтиб алвон-алвон,
Зулми ошган кекса бир хон
Кўп йил элни сўрган экан.

Зўр экан солган қалъаси,
Қон бўлиб чўли, даласи,
Эзилиб халқнинг боласи,
Қаттиқ жабр кўрган экан.

Кунлардан кунлар ўтганда,
Йил ўтиб, ойлар кетганда,
Еши саксонга етганда
Тўсатдан хон ўлган экан,

Угли минди олтин тахтга,
Ешлигидан етди бахтга,
Хукмини юргизиб халқга,
Ота йўлини тутган экан.

Отадан ҳам золим бўлди,
Юртга дарров маълум бўлди,
Қон оқиб лиммо-лим бўлди,
Ута манман бўлган экан.

Енида бўлди ақлиғўй,
Тахтида бирга қурди ўй,
Кунда тамошо, кунда тўй,
Халқ азобда қолган экан.

Қонсиз ва сур бўлди юзи,
Уқдай бўлди айтган сўзи,
Давлатга тўймади кўзи,
Ута золим бўлган экан.

Еши тўлди ўн тўққизга,
Кўнгли кетди сулув қизга,
Нафсини солмади изга,
Чор тараф кўз солган экан.

Не-не қиз қўлин ушлади,
Доимо кўнгил хушлади,
Катта тўйларни бошлади,
Қирқ бир хотин олган экан.

Еш эди ҳамма олгани,
Олиб қафасга солгани,
Зўрликда никоҳ қилгани,
Кўпи азобда ўлган экан.

Айш-ишратга тўймайин,
«Сулув топ» деб ҳеч қўймайин,
Талаб этаркан кун сайин,
Шундай даврон сурган экан.

«Сулув йўлига дунё, мол,
Айтганимни қулоққа ол,
Молга бермаса, тортиб ол!»
Шундай фармон берган экан.

Чайла тикиб сассиқ кўлга,
Қўшилолмай ўзга элга,
Чилвирини боғлаб белга,
Бир балиқчи яшар экан.

Қолиб шундай оғир ҳолга,
Тушиб олиб якка солга,
Кўксини бериб шамолга,
Кўлга тўрин ташлар экан.

Тутган экан ота йўлин,
Совуқ сувга уриб қўлин,
Қамраб ўнгин, қамраб сўлин,
Кўлга тўрин ташлар экан.

Сувлар тошиб, солса ўйин,
Валиқларнинг кўриб тўйин,
Ушлаб, юзлаб буқа мўйин,¹
Омад келиб, ушлар экан.

Кўлнинг бўйига ўрнашиб,
Дардлари дардга улашиб,

¹ В у қ а м ў й и н — балиқ тури.

Баъзан оч қолиб йнглашиб,
Қирқ йил умр сурган экан.

Қора қошлари қийилган,
Сулувлик донғи ёйилган,
Оғзи ўймоқдай ўйилган,
Елғиз қизи бўлган экан.

Кўзларида ёнар учқун,
Ярқирайди булутли кун,
Еруг олар қоронғу тун,
Шундай сулув бўлган экан.

Сочи қора, юпқа дудоқ,
Хипча белли ҳам оқ томоқ,
Узуи бўйли ва кенг қучоқ,
Мисли оҳу бўлган экан.

Тўғри ўсган гулдай бўйи,
Ортиқ экан ақли, ўйи,
Ўйнаб-кулмай умр бўйи,
Умри зое бўлган экан.

Отага қўл — қанот бўлиб,
Ишлар экан, гайрат тўлиб,
Еш чоридан гулдай сўлиб,
Кўп азоблар кўрган экан.

Еш чоқда ўйнаб-кулолмай,
Янгироқ кийим киёлмай,

Бир кун ҳам ёруғ кўролмай,
Кўп азоблар кўрган экан.

Дард устига дардлар тўлиб,
Ун ёшда онаси ўлиб,
Гулоё шўрлик етим бўлиб,
Кўп азоблар кўрган экан.

Етим қолди онасидан,
Айрилди қиз паносидан,
Дунё жабру жафосидан,
Қайғу чекиб юрган экан.

Ғамда ўтди ёш даврони,
Кўнглида не-не армони...
Йиғидан қуриб дармони,
Отаси кўр бўлган экан.

Сомондай сарғайиб юзи,
Кўр бўлган сўнг икки кўзи,
Отасини боқиб ўзи,
Гулоё меҳнат қилган экан.

Ота шундай ғариб эди,
Қизи учун қайғи еди,
Елғизим сен қизим, деди,
Жуда қариб қолган экан.

Ўғлим ҳам шул, қизим ҳам шул,
Гулоё, чирогим, омон бўл!

Худойим ўзи очсин йўл...
Шундан тилак тилар экан.

«Қизимнинг бахти очилгай,
Йўлига дурлар сочилгай,
Суйгани билан қўшилгай...»
Шундай тилак тилар экан.

Қиз отадан дуо олиб,
Кўлга тушиб тўрлар солиб,
Балиқ овлар толиб-толиб,
Ота рози бўлар экан.

Ота тийиб кўзнинг ёшин,
Тақдирига эгиб бошин,
Ичиб-еб қиз берган ошин,
Олқиш — дуо қилар экан.

Қиз отасин қадрлади,
Сўқирлигин билдирмади,
Ҳеч камчилик келтирмади,
Ювиб-тараб турар экан.

Чинта тўқиб, чайла қуриб,
Қашшоқликда умр суриб,
Доимо хизматда туриб,
Балиқ овлаб юрар экан.

Улуғ бойлиқ— тани сов-да,¹
Олти йил ўтди атовда,²
Макони бўлган яйловда,
Шундай умр сурар экан.

Қош қорайиб, кун ботганда,
Япалоқ қанот қоққанда,
Ухлагали эл ётганда,
Чўлга дувур тўлган экан.

Хон юбормиш ясовуллар,
Хон амридан чиқмас қуллар,
Ўтиб саҳро, босиб йўллар,
Кўлга яқин келган экан.

III

.
Биқиллаб оппоқ томоғи,
Балқиган юпқа дудоғи,
Тун яридан ўтган чоғи,
Қиз уйқуда ётар экан.

Не армонлар бор ўйида,
Чайласида, кўл бўйида,

¹ Сов — соғ, тани соғда.

² Атов — кўл ўртаси.

Букчайиб қолган кўйида,
Чол хаёлга ботар эди...

Хаёл сураар ота уйғоқ,
Туш кўрарди Гулой шу чоқ,
Бир қора илон... иш чатоқ...
Унга тўғри келар эди.

Қандайин кирди уйига,
Қандайин кирди қўйнига,
Уралди оппоқ бўйнига,
Қиз чорасиз турар эди.

Чақди илон тўш-тўшидан,
Чақди илон оқ тўшидан,
Дод солди, кетиб ҳушидан,
Юраги тез урар эди...

Уйқусидан турди чўчиб,
Қони қочиб, ранги ўчиб,
Отасинияг бўйнини қучиб,
Гулой йиглаб турар эди.

«Уйқудан чўчиб уйғондинг,
Нега куйдинг, нега ёндинг,
Қизим, не сабаб тўлғондинг,
Нечун уйғондинг уйқудан.

Еки кўрдингми ёмон туш,
Олиб қўйдими ақлу хуш,

Е нотобсан, ёки нохуш,
Нечун уйғондинг уйқудан?

Кўзим йўқ, мен бир ғарибман,
Ғариблик билан қарибман,
Ёлғизим, сўраб турибман,
Нечун уйғондинг уйқудан?

Судралиб ҳаёт сургандан,
Мен сени бахтсиз кўргандан,
Улсайдим, бундай юргандан...
Нечун уйғондинг уйқудан?

Оҳ урма, қўйғил, ёлғизим,
Қадрдоним, ёлғиз қизим,
Манглайда якка юлдузим,
Нечун уйғондинг уйқудан?

Йиғлай-йиғлай битди уним,
Ёлғизим, не бўлар куним,
Тинчроқ ўтмас ҳатто туним,
Нечун уйғондинг уйқудан?

Кўп тўкма кўздан ёшингни,
Элмағил бунча бошингни,
Йиғлатма қайғудошингни,
Нечун уйғондинг уйқудан?

Отасига бош эгар қиз
Тушин айтиб, ёш тўкар қиз,

Вағрининг чокин сўкар қиз:
«Отажон, майли оҳ урма!»

Кўрармиз насиб бўлгани,
Шум тақдир бошга солгани,
Қийнамагин ширин жонки,
Отажон, майли оҳ урма!

Хор қилмасин таним соғда,¹
Орқаларман асқар тоғда,
Елғиз қўймасман ҳеч чоғда,
Отажон, майли оҳ урма!

Кўтар отажон бошингни!
Оқизма қонли ёшингни,
Йиглатма қайғудошингни,
«Отажон, майли оҳ урма!»

Отасини юпатди қиз,
Келиб, ўрнига ётди қиз,
Тағин хаёлга ботди қиз:
«Отажон, майли оҳ урма!»

Чорлар эди бирин-бири,
Аён эди шовқин сари,
Чопган отларнинг дупури,
Келди қизнинг қулогига.

¹ С о г д а — соғ, омонликда, соғ чоғда.

Тикка турди тепа сочи,
Ёйилди кўкка қулочи,
Не чораси, не иложи,
Титроқ етди оёғига.

Қиз ўридан учиб турди,
Эшик томон юзин бурди,
Ҳам яхшилаб тамба урди,
Боқди у ёқ-бу ёғига.

Отадан ҳам кетди эс-ҳуш,
Титрар гўё ярали қуш,
«Чайласи шу» деган товуш
Етган эди қулоғига...

«Эшик оч!» деб бақришар,
Дўқ уришар, чақришар,
Қиз қалбига ўт ёқишар,
Қиз бесадо турар эди.

Ясовуллар кенгаш тузди,
Болта уриб, вшик бузди,
Золимликни хўп кўргизди,
Қиз бесадо турар эди.

Бир деди: «Ўрнидан тур,
Яхшиликча биз билан юр,
Хонимиз билан даврон сур!»
Қиз бесадо турар эди.

«Сулувсан, яхши билганмиз,
Чўлларда йўртиб-елганмиз,
Шоҳ амри билан келганмиз».
Қиз бесадо турар эди.

«Хон сени тушда кўрипти,
Кўнглини сенга берипти,
Ишқингда оҳлар урипти...»
Қиз бесадо турар эди.

«Чақирган бўлса, шоҳимиз,—
Деди қиз:— Не гуноҳимиз,
Шоҳ учун шоҳларда кўп қиз...
Айта боринг, боролмайман!..»

«Ноз қиласиз нега ойим,
Жавобинг бўлсин мулойим,
Хон не деса бўлар доим,
Яхшиликча юра бергин!»

«Қўйдайд бўғизлаб сўйса ҳам,
Икки кўзимни ўйса ҳам.
Гул танимга ўт қўйса ҳам,
Айта боринг, боролмайман».

«Юрагингни доглагаймиз,
Қўлларингни боғлагаймиз,
Барибир ҳеч қўймагаймиз,
Яхшиликча юра бергин!»

•Бурда-бурда қилсангиз ҳам,
Юрагимни тилсангиз ҳам,
Қанорага илсангиз ҳам,
Айта боринг, боролмайман!•

Миргазабда қолмади жон,
Қадам қўйди қизга томон,
Қиз дер: «Қоч, қолмайсан омон!
Харом қўлингни узатма!»

Миргазаб олдинроқ юрар,
Шолдай мўйловини бурар,
Қиз бечора титраб турар:
«Йўқол, қўлингни узатма!».

Қиз қаҳри ҳам тошган эди,
Қирғоғидан ошган эди,
«Қоч, ўласан ҳозир!» деди,
Миргазаб қўл солар ҳамон.

Гулой қўлида болтаси,
Унг ёнда титрар отаси.
«Шу бўлса керак каттаси!»
Деб болта урди беомон.

Шоли-шалогни шарқираб,
Қутурган молдай гарқираб,
Чалқанча тушди Миргазаб,
Болта тегмиш манглайдан.

Қизни ўрашиб олдилар,
Қўлига кишан солдилар,
Яёв ҳайдашиб қолдилар,
Айириб туққан жойидан:

Чол ғарибни кўп уришди,
Бошида говға қуришди,
«Ҳа, қалайсан», деб туришди
Қиз дер: «Не гуноҳ отада?!»

Кўлнинг бўйи қолди бунда,
Ғариб уйи қолди бунда,
Армон — уйи қолди бунда,
Қон изи қолди болтада.—

«Отажон, шўрлик отажон,
Не қилай, бўлгайсан омон!»
Судралиб орқадан ҳамон,
Келарди чол аста-аста.

«Йиғлама кўп ёлғиз болам,
Ҳар балога бергил чидам,
Кун туғар ахир бизга ҳам,
Айрилиқда қолдим хаста!»

Қиз ўровда кетар эди,
Бағрин алам титар эди,
Ўз-ўзига айтар эди:
«Қандай кечар отам куни?»

Кўп эди дилда армоним,
Қолмади танда дармоним,
Азобларда чиқар жоним,
Қандай кечар отам куним!*

Чол ғариб қолди атовда...
Қўли-оёғи мотовда,¹
Елғизи кетди бойловда,
Кимга ётар оқу зори!

Айрилди чол ёлғизидан,
Елғиз меҳрибон қизидан,
Манглайдаги юлдузидан,
Кимга ётар оқу зори!

IV

.
Етдилар улуғ шаҳрига,
Хон минган эди қаҳрига,
Ташлатди зиндон қаҳрига,
Қиз ётар чуқур зиндонда.

Балоларга бошин чатиб,
Гулдай тани қонга ботиб,
Тутқунлик захрини тотиб,
Қиз ётар чуқур зиндонда.

¹ М о т о в д а — чандиб боғланган ҳолда.

Ёнида оҳ чекар бир қиз,
Гулоӣ ундан сўрар: «Кимсиз,
Ё тенгдошсиз, ё синглимсиз
Айтинг, гуноҳингиз надир?»

«Опажоним, сўрма ҳолим,
Саргайиб сўлди жамолим,
Зиндонга ташлатди золим,
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Не балолар тушди бошга,
Заҳрини қўшди ошга,
Энди кирдим ўн уч ёшга,
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Хов раъйига юрганам йўқ,
Бошим эгиб, турганам йўқ,
Ҳарамига кирганам йўқ,
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Ҳеч тилимни тортганам йўқ,
Айтганимдан қайтганам йўқ,
Унадим, деб айтганам йўқ,
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Золимлигин билдирди хон,
Ота-онамни ўлдирди хон,
Гул юзимни сўлдирди хон,
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Гулдай таним қора қонда,
Ўлсам ўлгайман зиндонда,
Унамайман ҳеч замонда,
Айтинг, гуноҳимиз надир!?

Ешга тўлдириб кўзларин,
Бир-бирин тинглар сўзларин,
Сўрашар аста ўзларин:
Айтинг, гуноҳимиз надир?!

V

Кўп чоқ зиндонда қолдирди,
Бошга кўп бало солдирди,
Кейин, ҳарамга олдирди,
Чиройин кўрмоқчи бўлиб.

Хон кўрди Гулой келбатин,
Паридай сулув сумбатин,
Адо этди шум ниятин,
Тўрт кун базм қуриб бўлиб.

«Бўлмас ишлар бўлди, ахир,
Гулям эрта сўлди, ахир,
Отамни ёнимга чақир,
Дийдорини бир кўрайин.

Кимга айтай армонимни,
Оқибатинг ахир қонимни,

Олдиргин отажонимни,
Дийдорини бир кўрайин!

Қўлим-оёғим бойладинг,
Қон ичиб, тўйлар тўйладинг,
Ғариб отамни найладинг,
Дийдорини бир кўрайин...

Берухсат келдинг уйима,
Боглатиб, кирдинг қўйнима,
Уралдинг ахир бўйнима,
Уша илон сен экансан!

Тушда кўрган қора илон,
Чақдинг ахир, ҳолим ёмон,
Эрксиаликда қийналур жон,
Уша шайтон сен экансан!

Арзим шу, бўшат матовдан,
Отамни олдир атовдан,
Қутилмади бошим довдан,
Ҳеч бўлмаса чолни ая.

Узи букчайган чол эди,
Менсиз кунни маҳол эди,
Кўр эди, бемажол эди,
Ҳеч бўлмаса, чолни ая!1

Хон кулди қиз ноласига,
Кўздан оққан жаласига.

Саҳроминг шу боласига
Бир мақтаниб қўйай, деди.

Балки, чўлда ўлган чиқар,
Балки йиғлаб юрган чиқар,
Тўрт кун умри қолган чиқар,
Қизи учун аяй, деди.

Отасига кетди одам,
Қаддини букмиш оғир гам,
Оч, яланғоч, кўзида нам,
Улар қолда турган экан.

Қизин ўйлаб, қиларди зор:
«Чиқмаган ёлғиз жоним бор,
Жонимни ол, парвардигор!»
Фарёд солиб юрган экан.

Келтирдилар чолни бошлаб,
Зўрға-зўрға қадам ташлаб,
Гулой эса кўзин ёшлаб,
Чол бўйнидан қучган экан.

Гулой сочини силар чол,
Аламини дилдан билар чол,
Узига ўлим тилар чол,
Дунёдан тез кечган экан...

VI

Хон тингламас юртнинг зорин,
Топтар эди номус-орин,
Кимнинг қизин, кимнинг ёрин
Зўрлик билан олар экан.

Нечаларни қўлга олиб,
Бўйнига қил арқон солиб,
Хириллатиб, молдай чолиб¹
Балоларга солар экан.

Дарё бўлиб оқди қонлар,
Кетди не гуноҳсиз жонлар,
Утда куйди не инсонлар,
Шундай даврон сураб экан.

Ким қарши чиқса ўлдирди,
Тавонларини тилдирди,
Дор оғочга илдирди,
Ўзи базмлар қураб экан.

Сўзни қисқароқ айтганда,
Асл мақсадга қайтганда,
Адолат бўлмас ҳеч хонда,
Бари бирдай бўлар экан...

¹ Ч о л и б — сўйиб маъносида.

.
Дунё ёрлиги тор бўлди,
Хон фарзандга кўп зор бўлди,
Кўп ўйлади, бекор бўлди
Эллик ёшдан ошганида.

Келгунча шунча ёшига,
Фарзанд келмади қошига,
Ҳар хаёл келди бошига,
Эллик ёшдан ошганида.

•Фарзанд йўқ,— дер ўз-ўзига,
Ким қулоқ солар сўзимга,
Доглар тушди оқ юзимга...•
Эллик ёшдан ошганида.

•Кирдим,— деди, шунча ёшга,
Заҳрим ўтди қора тошга,
Фарзанд кўрмай, бўлдим қашқа•,
Эллик ёшдан ошганида.

•Бирин сайлаб олдим юздан,
Оғзи ўймоқ, хумор кўздан,
Давлат қўшдим дала-туздан,
Мендай даврон сурган борми?

Тоғ, тўқайга туйғун солиб,
Қирқ бир сулув хотин олиб,
Тўйларида карнай чолиб,
Мендай даврон сурган борми?

Менда ҳозир фақат бир ўй:
Ўғил кўрсам, берардим тўй,
Сўйдиардим тўйда минг қўй...
Мендай даврон сурган борми?

Ўғил туққан аёлимни
Оқ момиққа ўратгайман.
Қиз... қиз туққан аёлимни,
Бошин кесиб, йўқотгайман.

Қиз менга ҳеч фарзанд бўлмас,
Ўзим ўлсам, тахтда қолмас,
Қиз туққан хотин ҳеч ўнгмас,
Бошин кесиб, йўқотгайман!*

.
Отаси ҳам шундай бўлди,
Хазинаси зарга тўлди,
Дунёга тўймайин ўлди,
Ҳеч яхши ном қолган эмас.

У чоқ ҳам зор йиғлади халқ,
Солар эди ҳа деб солиқ,
Халқ дон тугул, топмас тариқ,
Асло раҳм қилган эмас.

Аёллар туққан йўқ ўғил,
Ҳашаматлар бўлди бир пул,
Олди қанча асира, қул,
Бироқ, фарзанд кўрган эмас.

У ҳам фарзандга зор бўлди,
Дунёнинг юзи тор бўлди,
Езнинг кунда қор бўлди,
Бироқ, фарзанд кўрган эмас.

Кичик аёл туққанди қиз,
Қоши қия, сочи қундуз,
Гўё порлар тонги юлдуз,
Подшо раҳм қилган эмас.

Қувонгандай барча аёл,
Уларда йўқ ҳаром хаёл,
Пошшонинг кўнглида ҳалол,
Асло раҳми келган эмас.

Кўрди: ётар момиқдай жон,
Ез ойнага тушди тўқсон,
Улдирди қизни шу замон,
Асло раҳми келган эмас.

Боғлаб қизнинг онасини,
Бурдалатди танасини,
Буздиртирган хонасини,
Асло раҳми келган эмас.

Боқмай аёллар зорига,
Осган барини дорига,
Чўқитган қаргаларига,
Асло раҳми келган эмас.

Эли қилган шундай вайрон,
Еш қизларни этган ҳайрон,
Ушанинг ўгли бу ҳайвон,
Ота йўлидан қолган эмас!

VII

Музлар эриб, келди ёзлар,
Қағиллашиб учди гозлар,
Дутор олиб, чертнинг созлар,
Гулој сулув юкли¹ бўлди.

Буни билиб қирқ бир хотин,
Тугмай туриб, қўйдм отин,
Бари дер ёйиб қанотин:
Гулој сулув юкли бўлди.

Оёғиндан илдирмади,
Енига ёт келтирмади,
Хонга ҳам ҳеч билдирмади,
Гулој сулув юкли бўлди...

Уртада ёвни қувгандек,
Белларни маҳкам бўққандек,
Барчаси бирдан туққандек
Бошларини қўшган экан.

¹ Юкли — ҳомиладор.

Бири-бирин яхши кўриб,
Гар сўраса жонин бериб,
Тотув бўлиб умр суриб,
Бошларини қўшган экан.

«Сездирмайлик ҳеч бир жонга,
Сездирмайлик ҳатто хонга!»
Хурсанд бўлиб, бу нишонга,
Бошларини қўшган экан.

«Зора яхши кунлар келса,
Гулойжон ўгиллик бўлса,
Улмай, жони омон қолса,
Билдиргаймиз хонга кейин.

Бўлмаса, феъли кўп ёмон,
Қиз тугса, қўймайди омон,
Ўгил тугса ўша замон
Билдиргаймиз хонга кейин!»

Орадан ойлар ўтганда,
Жума оқишони етганда,
Тўлғоқ тутди кун битганда,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Хизматкори эди Зару,
Чақирганда келди тез у,
Тайёрлади чаққон дарува,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Зару буларга ёр эди,
Ҳар мушқулда тайёр эди,
Анча ҳунари бор эди,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Ярим оқшом сўйилди қўй,
Тонг отгунча қизиди тўй,
Шундай бўлар тўлғоқлик уй,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Гулоё ётар, сўлиқ юзи,
Жовдирайди икки кўзи,
Ақл ётар ўзига ўзи,
Ойи, куни тўлди шу кун.

Неча ўйларни ўйлади,
Ўй дарёсида бўйлади,
Қийинликка бел бойлади,
Ойи, куни тўлди шу кун.

Қирқ аёл кетмас ёнидан,
Азиз кўришар жонидан,
Ортиқ энг меҳрибонидан,
Ойи, куни тўлди шу кун.

Қиз... ё ўғил бўлармикин,
Хушвақтлик кун келармикин,
Тангри бизни аярмикин...
Ойи, куни тўлди шу кун...

Бари тилар яхши тилак,
Каттаси эди Оқбилак,
Тайёр бўлиб бари бирдак,
Ўғил — фарзанд кутди шу кун.

Урашиб турар қирқ аёл,
Олиб келди бақан¹ дарҳол,
Гулойга айтиб арзи ҳол,
Ўғил — фарзанд кутди шу кун.

Гулой бетоқат, тўлғонар,
Кўзларида олов ёнар,
Дам сариғ, дам оқ товланар,
Қаттиқ тўлғоқ тутди шу кун.

Чақалоқ дер гўё: «бекор...
Дунё менга гўрдан ҳам тор,
Дунёда менинг нимама бор!»
Қаттиқ тўлғоқ тутди шу кун.

Гулой ахир эсдан толди,
Қирқ хотин ҳам қўрқиб қолди,
Узоқ ётиб нафас олди,
Қаттиқ тўлғоқ тутди шу кун.

Қийноқ чекиб тани чўғ-ди...
Пари каби бир қиз туғди,

¹ Бақан — Ўтов кунгираси.

Хуши кириб, белни бўғди,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Ердан кўтарди Оқбилак,
Кўришмакда кезак-кезак,
Барчасида фарзанд — тилак,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Чочиқ чочиб, қилдилар тўй,
Ирим қилиб, сўйдилар қўй,
Суюнчига тўлди бир уй,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Кейин ўртага олишди,
Қирқ хотин назар солишди,
Хўснига ҳайрон қолишди,
Бари хурсанд бўлди шу кун.

«Эндиги сўз мундоғ бўлсин:
Душманларнинг гули сўлсин,
Фарзанд демаскан, хон ўлсин,»
Бари кенгаш қурди шу кун.

«Қиз деган — асал, қанд ахир,
Қиз бўлса ҳам фарзанд ахир,
Наҳот бўлмас хурсанд ахир!»
Бари кенгаш қурди шу кун.

«Уйлашиб, кенгаш қурайлик,
Ким, не дер, қани кўрайлик,

Эрталаб хабар берайлик!
Бари кенгаш қурди шу кун.

«Наҳот, қиз — авлод бўлмаса,
Наҳотки, хон шод бўлмаса,
Тош кўнгли обод бўлмаса!»
Бари кенгаш қурди шу кун.

«Хуснида ҳеч ғубори йўқ,
Тегмасин бевақт ажал — ўқ,
Хон севинар, кўнглимиз тўқ!»
Бари кенгаш қурди шу кун.

VIII

— «Пошшо тахтига минганда,
Вазирлар бари келганда,
Кимнинг арзи бор, деганда,
Суюнчига борсин Зару.

Қулогини дингроқ буриб,
Саройга борсин теа юриб,
Сўз қилмасин биров кўриб,
Суюнчига борсин Зару.

Борсин пошшо саройига,
Қарасин унинг раъйига,

Не энаркан чиройига,
Суюнчига борсин Зару.

Оёгига бошин урсин,
Ширин-ширин суҳбат қурсин,
Не дер экан, айтиб кўрсин,
Суюнчига борсин Зару!»

Қирқ аёл кўп кенгаш қурди,
Зару буни маъқул кўрди,
Дарҳол сарой томон юрди,
Суюнчи олмоқчи Зару.

Шу кетишдан — Зару кетди,
Саройга ҳам бориб етди,
Арзим бор деб навбат кутди,
Суюнчи олмоқчи Зару.

Бошида қуядуз жигаси,
Ярқираб кумуш ёқаси,
Ҳам қўлида ойболтаси,
Хон тахтада ўлтирар экан.

Устида сариқ малласи,
Қозондай бўлиб салласи,
Қози, вазирлар — ҳаммаси
Арза сўраб турар экан.

Бир бечора ботиб қонга,
Ларза тушиб ширин жонга,

Найзалар қадалиб сонга,
Хон олдида турар экан.

Баданини қамчи тилиб,
Тирик эмас, чала ўлиб,
Жони ҳалқумига келиб,
Шўрлик оҳлар урар экан.

Бор экан ота-онаси,
Куйган сўнг уйи-хонаси,
Тўлиб тағин паймонаси,
Хон олдида келган экан.

Хон уларни киргизмапти,
Елғиз ўғлини кўргизмапти,
Бир қошиқ сув бергизмапти,
Шундай золим бўлган экан.

Нолага хон бўйин бурмиш,
Жаллодлари тикка турмиш,
Ота-онасини урмиш,
Иккови ҳам ўлган экан.

Бойловда турган гуноҳкор,
Улардан баттар йиғлар зор,
Вилмас, нима гуноҳи бор,
Гулдай юзи сўлган экан.

Қирғоғидан ошиб қаҳри,
Бир кучанди тошиб заҳри,

Узилди арқоннинг бари,
Шундай фурсат келган экан.

Бир қилич тушиб қўлига,
Ҳеч кимни қўймай йўлига,
Қилич солиб ўнг-сўлига,
Қанча бошлар олган экан.

Бўшалган эр куч бермади,
Уткир қилични сермади,
Хон қочди, чидаб турмади,
Жуда қўрқиб қолган экан.

Бор экан — ўзидай бўлган,
Бегуноҳ ранглари сўлган,
Қўли боғлиқ, чала ўлган,
Тез ёнига келган экан.

Келди югуриб қошига,
Қаради кўзда ёшига,
Қилич берди йўлдошига,
Иккови жанг қилган экан.

Қистириб белга пўлотни,
Миниб икков тулпор отни,
Оралаб қочди, элатни,
Улимдан қутилган экан.

Қувди орқадан қанча жон,
Лашкари чопар неча сон,

Ушламоқчи бўлар ҳамон,
Саф тортиб, солишган экан.

Енгилган йўқ икки ботир,
Лашкарини қираётир,
Қочар душман шотир-шотир,
Ажойиб олишган экан...

Хон юзида тошиб заҳри,
Тутолмайин, келиб қаҳри,
Тўполонга тўлиб шаҳри,
Ҳайрон бўлиб турган экан.

Шунда Зару бош эгипти,
Қаршисида тиз чўкипти,
«Арзим бор, ё шоҳим!» депти,
Шундай суҳбат қурган экан:

«Келганда шунча ёшинга,
Давлат қўнди-ку бошинга,
Келдим қувониб қошинга,
Суюнчи, шоҳим, суюнчи!

Ун беш кунлик ойдаи тўлдинг,
Бефарзанд кўп замон сўлдинг,
Ҳақ ёрлақаб қизлик бўлдинг,
Суюнчи шоҳим, суюнчи!

Ғазнани очиб ташланг тез,
Катта тўйларни бошланг тез,

Хафа кўнгилни хушланг тез,
Суюнчи, шоҳим, суюнчи!

Фарзандсизлик эди айбинг,
Қочар эди доим кайфинг,
Қиз турди энг кичик зайфинг,
Суюнчи, шоҳим, суюнчи!»

Хон ғазабдан қақшаб қолди,
«Жаллод!» Шумлик овоз солди,
Икки лабин кесиб олди,
Шундай золим бўлган экан.

Боглашиб қўлу оёғин,
Урди жаллодлар таёғин,
Кесдилар икки қулоғин,
Бағрига қон тўлган экан.

Тоғ сувидай оқиб қони,
Кўнглига чўкиб армони,
Зўрга чиқмай чивни жони,
Чала ўлик бўлган экан.

«Қиз туққанни келтиринг тез!
Қизи билан ўлдиринг тез!
Айтганимни бўлдиринг тез!..»
Амри шундай бўлган экан.

Зару етиб келди аранг,
Рангида ҳеч қолмапти ранг:

«Жаллод келар, гофил бўлманг!..»
Зўрға айта олган экан.

«Қизни туққан қайси аёл,
Олдимизга тушсин дарҳол,
Осармиз дорға, эҳтимол!»
Жаллодлар ҳам келган экан.

«Виттаминни юкли қилдик,
Зериккандан ўйнаб-кулдик,
Ёлғондакам, хурсанд бўлдик!»
Бари шундай деган экан.

«Майли, тинтиб-қараб кўринг,
Гап топсангиз, азоб беринг,
Қиз туққанни ҳайдай юринг!»
Бари шундай деган экан.

Қарашиб у ёқ, бу ёқни,
Суқишиб найза-таёқни,
Топишолмай қизалоқни,
Қайтиб хонга келган экан:

«Е шоҳ, бизлар бориб келдик,
Вор аҳволни кўриб келдик,
Бир гап қолмай сўриб келдик,
Кечаги гап ёлғон экан.

Зериккандан кулишипти,
Бирин «туғди» қилишипти,

Андак хурсанд бўлишипти,
Кечаги гап ёлгон экан!

Кечаги алдапти сизни,
Алдапти сизни-ю, бизни,
Топмадик ҳеч қандай қизни,
Кечаги гап ёлгон экан.

Узи жинни бўлса керак,
Елгон тўйни кўрса керак,
Зарга ботай, деса керак...
Кечаги гап ёлгон экан!•

Жаллодлар келмайин туриб,
Қирқ муштипар хаёл суриб,
Зару билан кенгаш қуриб
Қизни тез яширгандилар.

•Сақлаб қолайлик қундузни,
Манглайдаги ёлғиз қизни,
Ярқираб турган юлдузни!•
Хийлани оширгандилар.

Ер тагида ажойиб жой,
Боғу роғлик катта сарой,
Гавҳарлар ёнар мисли ой,
Қизни тез яширгандилар.

Очиб теладан эшикни,
Жойлашди олтин бешикни,

Веркитиб ҳамма тешикни,
Ҳийлани оширгандилар.

Ешидан бўлсин деб зийрак,
Қўноқлашти кезак-кезак,
Ипак йўрғак, момиқ йўрғак...
Қизни тез яширгандилар.

Чочиқ чочиб, қўй сўйишиб,
Душманнинг кўзин уйишиб,
Ҳам Гулзор деб ном қўйишиб,
Қизни тез яширгандилар.

Дунёнинг юзи тор бўлди,
Ез куни қиров, қор бўлди...
Озод ўсишга зор бўлди,
Қизни тез яширгандилар.

Зару ёшдан чечан эди,
Кўп сувлардан кечган эди,
Кўп зардоблар ичган эди,
Армонини сўйлаб қолди.

Зару қўлига соз олиб,
Созни таранг соплаб-чолиб,
Қирқ аёлга ҳамдам бўлиб,
Мана шундай куйлаб қолди:

«Етдингиз шундайин бахтга,
Гулзордай фарзандлик вақтга,

Сирингизни айтманг ётга,
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин!

Неча вақт гамли юрдингиз,
Гамларда оҳлар урдингиз,
Гулзордай фарзанд кўрдингиз,
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин!

Аҳмоқ пошшонгиз не билсин,
Кўзига тупроқ қуйилсин,
Қиз бўлса ҳам омон бўлсин,
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин!

Узоқ умр тиланг қизга,
Қиз эмас, ёруғ юлдузга,
Фарзанд қутлуг барчангизга,
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин!

Ҳамма хотин қучоқ очиб,
Тўй-тўйлашди, гуллар сочиб,
Дўстлик-дўстликка улашиб,
Гулзорга қарашар бари.

Зару айрилмайин турар,
Айланиб, қўриқлаб юрар,
Бари яхши хаёл қурар,
Гулзорга қарашар бари.

Зару бешик тебратади,
Йигласа, алла айтади,

Гулой ҳам келиб-кетади,
Ҳол-аҳвол сўрашар бари.

Гулой қизни қучоқлайди,
Кўзда ёшин мунчоқлайди,
Кўзидай асраб сақлайди,
Ҳол-аҳвол сўрашар бари.

Ер тагида ўсмоқда қиз,
Тетапоя, босмоқда қиз,
Кўргани йўқ: кун, ой юлдуз...
Онадай қарашар бари.

Ғоз турар, тиклар бўйини,
Бешиги — топган ўйини,
Кўрмай гўдаклик тўйини,
Ер тагида яшар Гулзор.

Юзи сарғиш кун кўрмайин,
Очиқда бир кун юрмайин,
Гўдаклик даврин сурмайин,
Ер тагида яшар Гулзор.

Орадан кунлар ўтганда,
Гулзор иккига етганда,
Муддати, вақти битганда,
Зевар юкли бўлган экан.

Тенг йўқ Зевардай чиройга,
Келтирдилар оқ саройга,

Шукур қилдилар худойга,
Ойи, куни тўлган экан.

Қирқ бир аёл бўлдилар жам,
Тўлғоқ тутди, бари хуррам,
Қиз туғди шўрлик Зевар ҳам,
Тўлин ойдай бўлган экан.

Қандай бахт — она бўлмоқ,
Она бўлиб, фарзанд кўрмоқ,
Гулзордан ҳам сулув ва оқ,
Қувонишиб қолган экан.

Етганда бари тилакка,
Урашди момиқ йўрғаikka,
Гулзор энди бўлмас якка,
Бари бирдай суйган экан.

Якка эди, икков бўлди,
Кўнгилларга қувонч тўлди,
Маслаҳатга Зару келди,
Отин Анор қўйган экан.

Ешлатиб икки кўзини,
Дўстдай танитиб ўзини,
Бошлади Зару сўзини,
Жуда хушвақт бўлган экан.

• Қани, дўстларим, қулоқ сол,
Қийин бўлмасин бизни ҳол,

Икки қиз ҳам топсин камол,
Бу сирни ҳеч ким билмасин!

Билса, дорга илдиради,
Билмаганинг билдиради,
Юрак бағринг тилдиради,
Бу сирни ҳеч ким билмасин!

Қисқарар узун бўйингиз,
Буанлар ёруғ уйингиз,
Дўстларим, билиб қўйингиз,
Бу сирни ҳеч ким билмасин!

Қиз фарзандни хон суймайди,
Билса, ўлдирмай қўймайди,
Қон ичиб қонга тўймайди,
Бу сирни ҳеч ким билмасин!

Барингиз дўсту, қардошим,
Не кўрмади шўрлик бошим,
Орилмади кўздан ёшим,
Чивин жоним қолди зўрга.

Қанот ёздим мисли шунқор,
Тузоққа тушиб, бўлдим хор,
Утар бўлди умрим бекор,
Еш кунимдан тушдим тўрга.

Еш кунимдан сўлди гулим,
Ҳам боғланди бурро тилим,

Қайишди қайгудан белим,
Юк ортгандай хаста норга.

Евғоним йўқ ичмак учун,
Кулгим йўқдир кулмак учун,
Қанотим йўқ учмак учун,
Қиш кунлари ботдим қорга.

Чўпон эдик неча одам,
Шоҳга қарши қўйдик қадам,
Дорга осилиб, ўлди отам,
Таясини ташлади ўрга.¹

Мотам тутди шўрлик онам,
Юрак-бағрин босганди ғам,
Жаллодлар бўлиб шунда жам,
Тиқди уни қора гўрга.

Ота-онамдан айрилдим,
Қанотим синиб, қайрилдим,
Ешим етмайин, майрилдим,²
Қўйчи бўлдим Олимбойга.

Етса агар қиттак зиён,
Чақар эди мисли чиён,
Калтакларди, қўймасди жон,
Борар эдим кимга, қайга!

¹ У р — чуқур, жар.

² М а й р и л и ш — қайишмоқ, букилмоқ.

Арқон эшган қўшиб қилга,
Қизил қонга тўлар жилга,
Чўпонларни Тўронғилга!¹
Аямайин осар эди.

Йўқотарди ақлу эсин,
Отарди ўлса гавдасин,
Дерди: гўшинг итлар есин!...
Темир тамга босар эди!...

Қашқир тегди бир кун қўйга,
Бошим қолди «катта тўй»га.
Ботдим ёлғиз тераи ўйга,
Не бўларимни билмадим.

Учрадим катта довулга,
Келтирдим гўштин овулга,
Осади, деб, тўронғилга...
Не бўларимни билмадим.

Олимбой — қўлда таёғи,
Йўлларга сизмас оёғи,
Қуйилиб булут қовоғи,
Урди... зўрға тирик қолдим.

Урди аямай оғзимга,
Арқон содирди бўғзимга,

¹ Т ў р о н ғ и л — дор.

Кўп чоқ келмадим ўзимга,
Зўрға, зўрға тирик қолдим.

Урди турғизмай ўримдан,
Қора қон оқди бурнимдан,
Улган яхши бу кунимдан,
Зўрға-зўрға тирик қолдим.

Қийналди кўп ширин жоним,
Оқди ерга қанча қоним,
Қуриди, қолмади дармоним,
Зўрға-зўрға тирик қолдим.

Олимбой кўнглин хушлади,
Арқоннинг учин ушлади,
Судраб жилғага ташлади:
«Кўпнаклар есин гўштингни!»

Итлар келди югуришиб,
Бошимда говға қуришиб,
Чўпонни таниб, хуришиб,
Итлар еган йўқ гўштимни!...

Овуллар текис ётганда
Япалоқ қанот қоққанда,
Хулкар юлдузи ботганда,
Етиб келди икки одам.

Мени суяб турғиздилар,
Қўлтиқлашиб юргиздилар,

Меҳрибонлик кўргиздилар,
Мен ҳушямга келдим кам-кам...

Улимдан зўра қутулдим,
Емғирдан қорга тутилдим,
Билмайман, не гуноҳ қилдим...
Қулликда ўтди бу умрим.

Ешлигимдан сўлган гулман,
Ешликда сўнган кўнгилман,
Шундан буён шоҳга қулман,
Қулликда ўтди бу умрим!..

Мана шундай ўтган куним,
Қайгиларда учган уним,
Сизлар баринг менинг синглим!
Шўрлик умрим билишдилар.

Қирқ аёл ҳам оҳ чекишди,
Унга куйиб, ёш тўкишди.
Огадай яхши кўришди,
Дони ҳурмат қилишдилар.

IX

Кунлардан кунлар ўтганда,
Кўп йиллар ўтиб кетганда,
Вақти, муддати етганда,
Қизлар бўйи етган экан.

Ун беш ёшга тўлди Гулзор,
Ун уч ёшга тўлди Анор,
Ер тагидан чиқолмай зор.
Еруг кунни тутган экан.

Заруга деди икки қиз:
«Жавоб айтинг, огажон, сиз,
Нега бунда яшаймиз, биз,
Нима бизнинг гуноҳимиз?»

Шундай бошлар икков сўзин,
Жовдиратар ёшли кўзин:
«Кўрсатмайсиз дунё юзин,
Нима бизнинг гуноҳимиз?»

Туққандан бери онадан,
Чиқмадик ушбу хонадан,
Сақлайсиз қай бегонадан,
Нима бизнинг гуноҳимиз?»

Токай бундай ўлтиргаймиз,
Дилга зардоб тўлдиргаймиз,
Қачон дунёни кўргаймиз,
Нима бизнинг гуноҳимиз?»

Сўз тополмас, Зару йиғлар,
Армон билан бағрин тиглар,
Ахир барин баён қилар,
Қизлар ҳайрон бўлган экан.

•Нега келдик бу замонда,
Нима кўрдик бу жаҳонда,
Еш умримиз зимистонда!•
Икков зорлар қилган экан.

Келди шунда қирқ бир она,
Йигига тўлди бу хона,
Юраклари ёна-ёна,
Чорасиз туришган экан.

Қирқ она ночор йиглашиб,
Икки қиз сочини силашиб,
Яхшилик, умр тилашиб,
Тасалли беришган экан...

Х

Мустаҳкам қалъа кетида,
Бепоен дала четида,
Ойдин ҳовузнинг сиртида
Каттакон боғ бўлган экан.

Юксак дарахтлар шох отиб,
Қушлар сайраб, завқ таратиб,
Яшиллик қўйнига ботиб,
Юз хил гулга тўлган экан...

Ер тагида Гулзор, Анор,
Йиглашади ҳар кун зор-зор:

«Дунёни кўрайлик бир бор!»
Бари ночор кўнган экан.

«Кўрайлик!» деб тургандан сўнг,
Сўзни шунга бургандан сўнг,
Оналар жавоб бергандан сўнг,
Кўнгиллари тўлган экан.

Еруғ дунёни кўрмакка,
Каттакон боққа кирмакка,
Тун чоғи андак юрмакка,
Чиқди икковлон қўлма-қўл.

Юлдузли кўкка қарашар,
Ҳар нима кўрса сўрашар,
Ою, кундай ярқирашар,
Ериб кетди бог ва кенг чўл.

Эл кети ҳали ётмайин,
Хулкар юлдузи ботмайин,
Кун туғипти тонг отмайин,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Одамлар турди ўридан:
Ой, кун туғди тун қўйнидан,
Атроф ярқираб нуридан...
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Қанчалар ерда суринар,
Қочмоқчи бўлиб, уринар,

Боғда икки қиз кўринар,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Қизлар боғни кезиб юрар,
Суюнчлари тўлқин урар,
Тўп-тўп одам келиб кўрар,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Пошшога ҳам келди чопар,
Аломатдан берди хабар,
Уйғонганди бутун шаҳар,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Пошшо тез ўрнидан турди,
Катта боққа қараб юрди,
Олисдан қизларни кўрди,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Қўшиқ айтар эди Гулзор,
Жўр бўларди унга Анор,
Уйнашарди хумор-хумор...
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Пошшо яқин келди дарҳол,
Бош эгди қўш Соҳибжамол,
«Ота!» деди.. шоҳ қолди лол...
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Салом бериб икки қиз ҳам,
Саргузаштин сўйлар бардам,

Айтиб берди қилмайин кам...
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон...

Уялмай шунча элидан,
Шоҳ тутди Гулзор қўлидан,
Қучоқлаб олди белидан...
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

«Ҳой ноинсоф, бергил омон!
Отамсан-ку... на шум замон!
Бу ахир ўлимдан ёмон!...»
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

«Иложи йўқ, тегасан менга,
Бошингни эгасан менга.
Тегмай тириклик йўқ сенга!»
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

«Отамсан-ку, қандай тегай;
Хотин бўлиб, бошим эгай,
Бу кунимдан тезроқ ўлай!»
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

«Тегмайман дорга оссанг ҳам,
Кўзимга чўғлар боссанг ҳам!...
Сен ахир отамсан, отам...»
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Ғазабланиб пошшо турди,
Қизни олиб ерга урди,

«Итга ташланг!» деб буюрди...
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Гулзорни итга ташлади,
Халойиқ нола бошлади,
Ноилож кўани ёшлади,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён,

Лекин, ит қилган йўқ энён,
Гўёки дер, «лаънат э хон!
Уз қизин оларми инсон...»
Ит ҳам ҳайрон, ҳамма нолон.

Ит дер: «нима гуноҳи бор,
Бу ахир ўз қизинг Гулзор,
Гуноҳсизага бермай озор...
Ит ҳам ҳайрон, ҳамма нолон.

Кўппак емагач олдирди,
Темир қафасга солдирди,
Ойлар қийноқда қолдирди,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Гулзор жойи темир қафас,
Йиғлар, оҳ чекар ҳар нафас,
Лекин, асло тегай демас,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён,

Шоҳ яна зулм бошлатди,
Калтаклаб, кўзин ёшлатди,

Олис тўқайга ташлатди,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён,

Гулзорни ташлаб тўқайга,
Жаллодлар келди саройга :
«Жойлаб келдик қайтмас жойга!»
Ҳамма ҳайрон, ҳамма нолон.

Қирқ аёлин топмади шоҳ.
Ер тагида чекишар оҳ,
Қочгандилар бўлиб огоҳ,
Ҳамма ҳайрон, ҳамма нолон.

XI

Зару билан қочиб Анор,
Тўқайда топганди қарор,
Икки ботир бўлди дучор,
Ов билан кун кўрар экан.

Тоғ этаги, кўлнинг бўйи,
Қалин тўқай пана — уйи.
Шоҳдан қасос олмоқ уйи,
Пайтни кўалаб юрар экан.

Иккови ҳам банддан қочиб,
Жаллодларнинг қонин сочиб,
Ботирликка қучоқ очиб,
Шу тўқайда турар экан.

Зару буларни биларди,
Доимо умр тиларди,
Ўзи ҳам излаб келарди,
Кўриб хурсанд бўлди Зару.

Бири-бирига мададкор,
Доим тўқайдан хабардор,
Кўп ўтмай топилди Гулзор,
Кўриб хурсанд бўлди Зару.

Кўзда ёшини силашди,
Кўнглида дардин билишди,
Дори ҳам дармон қилишди,
Жуда хурсанд эди Зару.

Бир ботирга тегди Анор,
Бир ботирга тегди Гулзор,
Аҳд бойлашди — умрлик ёр,
Жуда хурсанд эди Зару.

Вешовлон кўнгил хушлашди,
Энди бошқа гап бошлашди,
Шоҳ томон қадам ташлашди,
Яроқларин тақиндилар.

Эргашди зулм кўрганлар,
Қасос ололмай юрганлар,
Қулай пайт кўзлаб турганлар,
Мисли дарё оқиндилар.

Қарши келганни ўлдириб,
Саройга ўлик тўлдириб,
Ишни жойига келтириб,
Зиндонларни ёқишдилар.

Зару эшик очди дарҳол,
Чиқиб келди қирқ бир аёл,
Қизлар билан топишиб лол,
Суқланишиб боқишдилар.

Пошшони тутиб олдилар,
Бўйнига арқон солдилар,
Молдай бўғизлаб чолдилар,
Оламга қолди ёмон ном.

Шундай ботирлик этдилар,
Мурод-мақсадга етдилар,
Не-не замонлар ўтдилар...
Достоним ҳам бўлди тамом.

МУНДАРИЖА

Икки оғиз сўз. Миртемир	5
-----------------------------------	---

ШЕЪРЛАР

Бўлган эмас	9
Булбул	16
Илтижо	19
Бу замон	21
Излаш	25
Солиқ	32
Халқ учун	35
Денгиз балиғин бермади	38
Ёа келурми?	40
Яхшироқ	43
Ҳўкизим	47
Келин	49
Кўринди	52
Бу йил	55
Чор тарафда кўнглим менинг	58
Айрилиқ	63
Бер энди	65
Кўрдим, кўрмадим	66
Дод дема	71
Билгайсан	73
Нодон бўлма	75

Ким айтур	77
Кўзим	80
Кетган келарми	82
Бўлмади, қолмади	85
Экан	88
Умрим ва кунларим	91
Керак	101
Уйланма	103

ДОСТОН

Аҳмоқ пошшо	107
-----------------------	-----

На узбекском языке

БЕРДАХ

ИЗБРАННОЕ

Редактор *Ш. Раҳмон*
Рассом *И. Циганов*
Расмлар редактори *И. Кириакиди*.
Техн. редактор *В. Барсукова*
Корректор *М. Қудратова*

ИБ № 948

Босмахонага берилди 14. 08. 78. Босишга рухсат этилди 03. 08. 78. Формати 60×90^{1/32}. Босма л. 5,26. Шартли босма л. 6,25. Нашр л. 5,11. Тиражи 10000. Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 234—77.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарish бирлашмаси полиграфкомбинатда 1-қозоғга босилди. Тошкент, Навоий, 30. 1978 йил. Заказ № 1148. Баҳоси 76 т.